

О‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
13-may
chorshanba
№ 19 (1497)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ @ hurriyatuz@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ f Hurriyat gazetasi

✓ БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

РИЁСИЗ СЎЗЛАР



Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

Муқаддима

Ҳақиқий ёзувчи-шоирлар ҳақиқатни ёзишни хуш кўради. Дунёнинг қайси бир четидаги адолатсизлик уларга худди ўзининг уйида рўй бераётгандек туюлади. Қайдадир адолатнинг барқарорлиги ёки ғалабаси уларнинг руҳиятини кўтаради. Улар ҳар бир яхши одамнинг муваффақиятидан қувонади, одамларнинг муаммолари эса уларнинг ҳам дардига айланади.

Улар — ватанпарвар. Ҳар ҳолда Ўзбекистонда худди шундай. Ватаннинг гуллаб-яшнаши, ихобий ўзгаришлар ҳар бир фуқаронинг ҳаётини юксалтириш сари қўйилган қадам эканини теран ҳис қиладилар, кайфиятлари кўтарилади. Худого минг шукри, бу ўзгаришлар ҳар соатда, ҳар куни рўй бериб турибди. Бутун мамлакат ҳаракатда. Энг муҳими, бу ислохотлар жайдари тусда эмас, балки жаҳоннинг энг илғор технологиялари асосида олиб борилмоқда. Шароитлар яратилгани туфайли инвестициялар бемалол кириб келяпти. Ривожланиш шиддати бутун мамлакатни қамраб олган.

Қалам аҳли бу ва қўллаб бошқа ютуқлардан бохабар. Муаммоларни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни ҳам мудом сезиб туради.

Яқинда бир гуруҳ ижодкорлар билан қўшни дўст мамлакатда сафарда бўлдик. Бир кеч ўз-ўзидан бадиха давра тузилиб, суҳбат гуриллаб кетди. Аввал мезбон мамлакатни Ўзбекистон билан таққос қила бошладик. Бараварига “Биз олдинга кетибмиз” деган хулосага келдик! Бугунги Ўзбекистон ҳақида гаплашдик. Мен етмиш олти йил умр кўрганимни, аммо халқимиз ҳеч қачон бундай яйраб яшамаганини айтиб қўлдим. Даврадагилар бу гапимни ҳам бир оғиздан тасдиқладик. Ҳа, шундай! Ҳеч қачон бундай яшамаганимиз!

Юракларни фаҳр билан тўлдирган бу

эътирофлар қачон кўнглимизни тўлдирди? Ахир биз эътироф этган ютуқлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ-ку! Унинг ортида кимнинг меҳнатига заҳмати, бетиним ҳаракати ётибди? Мамлакатимизнинг барча ҳудудида ёйилган бунёдкорликка ким ғайрат-шижоат бағишляпти?

Саволларга жавоб битта: бу оламшумул зафарларнинг ортида бир кишининг, ҳа, бир кишининг — Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг фидокорлиги турибди.

Оз эмас, кўп эмас, Янги Ўзбекистонни қурмоқчи бўлган шу азамат инсоннинг мисли кўрилмаган фидокорлиги!

Мен бу инсон ҳақида кўп ўйладим. Охири, бу одам ҳақида ёзмасам, адолатдан бўлмас экан деган қарорга келдим. Йўқ, хушомад қилиш ниятим йўқ. Нимага хушомад қиламан? Ёшим бир жойга борган бўлса, мукофоту унвонларни ҳам ҳеч кимга ликилламай олган бўлсам...

1

Бу ислохотлар бошланганда мамлакат қай аҳволда эди?

Одамлар қандай яшаётган эди? Ўзимнинг бошимдан ўтказганларимни бир эслай.

Мен кўп қаватли уйда яшайман. Уйимиз неча-неча қишлоқ бўйи исмасди. Бир фарзандим кейинчалик “Шу уйда бир умр совуқ қотиб улғайдик”, деб эслади.

Нафақага чиқдим. “Ишласанг, нафақангнинг ярми тўланади”, дейишди. Нима дейман? Хўп-да... Кўпга келган тўй.

Маош ҳемири. Ярим пенсияга қўшиб, ойдан ойга аранг етказамиз.

Тўлов пластик картаси билан боғлиқ машамаларни-ку, айтмай. Дўконга борсан. Керакли молнинг нархини сўрайсан. “Нақд олсангиз, саксон сўм, пластик карта

билан тўласангиз, юз...”

Деновда — бозорнинг нақ ўртасида “пластик картадаги пулни нақда алмаштириш пункти” очилди. Уша безбет шаклда — юз сўм ечи олишса, саксон сўм қўлингга беришди. Энг дахшати, бу “пункт”ни бундай ҳоллар юз бермаслигини назорат этишни ташкилотларнинг одамлари юритди. Додингни кимга айтишни билмайсан...

Бу пўттибозликлар бутун халқ кўз ўнгига рўй берди. Ҳеч ким миқ этолмади. Қўруқ. Бу қўруқдан яралган тақдирсизлик — эртани ўйлашдан чўчиш — мудом елкадан тошдай босиб турди.

Қарз кўтардим. Долларда қарз берганларга долларда қайтариб бериш керак. Банк кассаларининг ёнига ҳам боролмайсан. Банклар долларни сотувга чиқариб, ўзи сотиб олиб ётибди. Одамларини қўйиб қўйган — аллақандай шанги хотинлар...

Бозорга борасан. Ҳар қадамда “долларчи”лар шайқаси... Долларнинг нархи расмий курсдан икки баробар баланд. Кўр бўлиб олсан.

Сурхондарёда ғалла етиштирган бир тадбиркор менга учрашиб, ғалласини топишганини, аммо ҳақини еб кетишганини айтди. Мен бир-икки амалдорга айтган бўлдим. Бирор натижа чиқмади. Тадбиркор шу хўрликнинг жабридан ўлиб кетди...

У-бу жойлардаги ўзгаришлар одамларнинг дастурхонига етиб келмади. Мамлакатни фарибгарлар босди.

Бу ишга қарши кураиши зарур бўлган ташкилотлар давлат ичиди давлат тузилар. Одамлар устидан зўравонлик жорий этилди.

Масалан, Сурхондарёда ҳавфсизлик хизмати аллақандай фашистик (бошқа сўзларнинг қилмишини ифодаб беролмайди) тизим ўрнатди. Одамларни пашша ўрнида қўрмадилар. Хўрладилар, мулкларини тортиб олдилар, мисли қўрилмаган қийноқларга солдилар, ўлдириб ҳам юбор-

дилар. Қийноқларнинг Сталин замонида кечган усулларини қўладилар. Уларни янада янги “поғона”ларга кўтардилар.

— Тирноқларимни суғуриб олдилар, — деб зориллаб эслайди уларнинг қўлига тушган бир бегуноҳ. — Ҳаммасини баравар суғурсалар ҳам майли эди, ҳар куни биттасини суғурдилар...

Ҳатто ҳоқимларга ҳам таъйиқ ўтказилди. Бу юртда улар ҳам ишлашдан беэиб қолди. Ноилож ишдан кетиш ҳақида ариза ёздилар.

Мустақилликдан одамларнинг кўнгли қолди.

Битта-ярим танишлар менга ҳам таъна қила бошлади: “Ана сиз орзу қилган истиқлол...”

Рости, мен ҳам бебаҳт яшадим. Газета-журналларда ёзганларимни нашр этиш нари турсин, исм-фамилиямни ҳам ўчириб ташлайдиган бўлишди. Мен нима қилган эдим? Бир кўрсатувда “Бировлар ҳаром-хариш йўл билан пул тўплайпти. Пайти келгач, пулни кўтариб, хорижга жўнаб кетади” деган рост гапни айтган эдим, холос. Бу кўрсатув туфайли телевидениедаги неча-неча ижодкорлар жазоланди, ишдан кетди...

Тан олайлик, мустақилликнинг илк даврида янги тизимли мамлакатни бунёд этиш, ночорликдан қутулиш учун бир қадар қаттиққўллик ҳам зарур эди. Аммо мамлакат ривожланиб борагани сари бу қаттиққўллик ўрнини адолат ўлчамларига мос йўриқлар аста-аста эгаллаб бориши кераклиги ҳам барчага аён эди. Бироқ бундай бўлмади. Чунки энг тепадаги одам ҳам найрангбозларнинг қўлида асирдай яшайди. Жойларда рўй бераётган, ҳатто ўз оиласида рўй бераётган воқеалардан ҳам ғалфатда қолди. Барча адолатсизликлар сир тутилди.

3-6

✓ УЙҒОҚ СЎЗ



ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН ҚАЛҚОН БЎЛГАН ЎҒЛОНЛАР

Мустақиллик йилларида қурбон бўлган ўғлонлар, “Қурбон бўлган” дегим келмас, қўрғон бўлган ўғлонлар. Эл тинчию омонлиги, эрк-саодат йўлида, Ватан учун, миллат учун қалқон бўлган ўғлонлар.

Гар Ватанга айланмаса, ундай кўнгил кўнгилмас, “Ҳалок бўлган” деган сўзга кўнгиллар ҳеч кўнликмас. “Ҳалок бўлган” дегим келмас, бу ўғлонлар ўлганмас, Шудринг бўлган, шамол бўлган, осмон бўлган ўғлонлар.

Ҳар боласи ҳушёр юртда қораймас ҳеч қуёшлар, Юзларига шом пардасин тортмайин тоғу тошлар. Ота уйда лаганларда қолди сузилган ошлар, Насибаси тирикларга армон бўлган ўғлонлар.

Жаҳолату қабоҳатга тик бордингиз бериб жон, Номингизни ёд айлар ҳар кўча, ҳар бир хиёбон. Саҳарлари самолардан мўлтирайсиз нигорон, Осмонларда зор-интизор Чўлпон бўлган ўғлонлар.

Бировлари чимилдиққа кириб ҳам улгурмаган, Бировлари ёр кўзига тўйиб ҳам термулмаган. Бировлари фарзанд кўриб, ўғил тўйлар қилмаган, Ўз юртига қошу кўзи мижгон бўлган ўғлонлар.

Бировингиз – Жалолiddин, Бобурсиз бировингиз, Тирикликдан сўролмасдан ҳали дил сўровингиз. Бурч-садоқат сарҳадида жонингиз – гаровингиз, Бурч йўлида жисму жони ўлпон бўлган ўғлонлар.

Сиз барҳаёт ўғлонларсиз, сиз ҳеч қачон ўлмаган, Ўн саккизга, йигирмага, ўттизга ҳам тўлмаган, Бу ҳаётда ўн гулидан бир гули ҳам сўлмаган, Ному ёди мангу боғу бўстон бўлган ўғлонлар.

Ул “Иккинчи жаҳон...” деган урушда нолам кетган, Менинг беш юз минг лолам-у беш юз минг болам кетган. Ҳар бир кетган болам билан бир буюк олам кетган, Қўрғошинзор кўкси рўйи жаҳон бўлган ўғлонлар.

Жоним болам, бу менинг ҳам фарзимдир, ҳам қарзимдир, Аини пайтда фарзандларга мактубим дил арзимдир. Ватан – мангу мактабимдир, менинг мангу дарсимдир, Умри ибрат мактабида ирфон бўлган ўғлонлар.

Шараф бўлсин шундай умр, шундай фидо ҳар жонга, Ватан номи буркангайдир абадий шараф-шонга. Шеърлар айтсам номингиздан Олий Бош кўмондонга, Матонати минг бир шеъру дoston бўлган ўғлонлар.

Хотиранинг ранги мовий – зангор осмон ранглидир, Ватан учун жон берганлар қадри доим шонлидир. Она Ватан байроғида ой, юлдузлар мангудир, Мана шундай порлоқ давру даврон бўлган ўғлонлар.

Сирожддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

✓ УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

МЕДИАҲАФТАЛИК МАШЎАЛАСИ – НАВОИЙДА

Навоий вилоятида Медиаҳафталик тадбирлари якунига етди. Соҳанинг турли йўналишларида фаолият юритаётган журналистлар, блогерлар, контент-мейкерлар ва медиа мутахассисларини бир майдонга жамлаган мазкур лойиҳа миллий медиамишда кадрлар салоҳиятини ошириш, замонавий медиақўлмаларни шакллантириш ҳамда тажриба алмашиш учун муҳим платформага айланди.

Ҳафталик ниҳоясидаги медиафорум эса лойиҳа доирасидаги амалга оширилган ишларнинг ўзига хос сарҳисоби бўлди. Форумда Ўзбек миллий ахборот маконини замон талаблари асосида ривожлантириш, медиамаҳсулотлар сифатини ошириш ва соҳада креатив ёндашувларни кенг жорий этиш

масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари иштирокида очик мулоқот ташкил этилди. Унда ёш контент-мейкерлар, блогерлар ва журналистларни тизимли қўллаб-қувватлаш, уларнинг профессионал ривожланиши учун яратилаётган имконият ва имтиёзлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Мутахассислар томонидан медиа соҳасида фаолият юритаётган ёшларнинг замонавий билим ва кўникмаларини ошириш, сифатли контент яратишни рағбатлантириш ҳамда миллий медиа маконида янги авлод вакилларининг ўрнини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

2-6



ЭҚТИРОМ

ЮКСАК НОМГА САЗОВОР ИНСОН

Академик Акмал САИДОВ ҳақида сўз

Академик деган юксак даражага эришиш — бу албатта осон эмас. Бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Академиклар миллатнинг фахри, ғурури, халқнинг юзи, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ўинчи йилдирки, мамлакатимизда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда ривожлантириш — Янги Ўзбекистоннинг асосини ташкил қилмоқда. Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган, имкониятлар эшиги очилмоқда.

Маълумки, Давлатимиз раҳбари минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича янги ташаббусларни илгари сурди. 2025 йил 16 ноябрь куни Тошкентда Президентимиз раислигида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи маслаҳат учрашуви ғоят катта тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Маслаҳат учрашуви якунида қабул қилинган ҳужжатлар ва илгари сурилган ташаббусларда барқарор, хавфсиз ва фаровон Марказий Осиёни барпо этишдек умумий мақсад ўз тажассумини топлган таҳсинга сазовор, албатта. Дарвоқе, бу глобал учрашув, яъни минтақавий ўзига хослик ва халқаро-хукуқий объективликнинг якунлари ҳақида ўзининг чуқур ғоя-фикрларини ифода қилган ЎзР ФА академиги Акмал Холматович Саидов ўтган йили Россия Фанлар академиясининг ижтимоий фанлар бўйича хорижий академиги этиб сайланди.

Акмал Саидов асли янгийўллик. 1958 йилда таваллуд топган. У Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг хуқуқшунослик факультетини имтиёзли тамомлаб, собиқ Иттифоқ Фанлар академиясининг Давлат ва хуқуқ институти аспирантурасида ўқиди ҳамда 1984

йили номзодлик диссертациясини ёқлади. 1990 йилда юридик фанлари доктори илмий даражасини олди. 1993 йилда халқаро ва қиёсий хуқуқ профессори илмий унвонини олди.

Дастлаб ЎзР ФА Фалсафа ва хуқуқ институтининг катта илмий ходими, сектор мудири ва директори, Ўзбекистон Ёшлар ташкилотлари қўмитаси раиси, Президент ҳузуридаги Жаҳон муаммолари институти директори ва Тошкент давлат юридик институти ректори лавозимларида самарали фаолият юритди. У Ўзбекистоннинг илк дипломатларидан саналади. 1994-1996 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси, шунингдек, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий вакили сифатида фаолият кўрсатган. Парижда Амир Темурунинг 660 йиллик ва Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейларини ташкил этишда ташаббускорлик кўрсатган.

Таниқли олим, закий инсон Акмал Холматович 1996 йилдан буён Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори бўлиб ишламоқда. 1997 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига бир неча бор сайланиб, парламент таркибиде фаол иш олиб бормоқда. 2000 йилдан буён у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси, 2020 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият юритди. 2020-2023 йилларда дунё парламентларининг асосий халқаро органи ҳисобланувчи Парламентлараро иттифоқнинг вице-президенти этиб сайланди.

Мустақилликнинг дастлабки кунларида ноқ Акмал Саидов Ўзбекистон миллий хуқуқ тизими асосларини шакллантиришда фаол иштирок этиб келади. У 1990-1992 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий комиссиясининг аъзоси сифатида сайлов қонунлари, демократик институтлар (Омбудсман, референдум, фуқаролар мурожаатлари), нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари тўғрисидаги қонунларнинг та-

шаббурсори ва ижодкорларидан бири бўлди. 2022 йилдан бошлаб Конституциявий комиссия раиси сифатида Янги Ўзбекистоннинг янгиланаётган Конституцияси лойиҳасини тайёрлаш, унинг умумхалқ муҳокамаси, турли хил экспертизадан ўтказиш ва такомиллаштириш ишларида бевосита иштирок этди.

Акмал Саидов асосий вазифалари билан бирга олий таълим муассасаларида халқаро ва қиёсий хуқуқ, ислом хуқуқи, инсон ҳуқуқи назарияси ва амалиёти фанларидан дарс бериб келади. У халқаро ва қиёсий хуқуқ профессори сифатида ўз илмий мактабини яратган. Унинг раҳбарлигида ҳозирги кунга қадар 50 дан ортиқ фан номзоди ва фан докторлари илмий ишини ёқлаган. Аллома олим томонидан



юртимизнинг йирик олий таълим муассасаларида халқаро хуқуқ, хуқуқшунослик, ислом хуқуқи, инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти, ЮНЕСКОнинг инсон ҳуқуқлари, демократия, бағрикенглик ва халқаро кафедраларига илк бор асос солинган. Етук олим Самарқандда ЮНЕСКОнинг Марказий Осиёни ўрганиш халқаро институти ташкил этилишида ҳам ўз ҳиссасини қўшган. Халқаро қиёсий хуқуқ академиясининг мухбир аъзоси, Конституциявий хуқуқ халқаро ассоциациясининг ҳақиқий аъзоси, Франция Қиёсий қонуншунослик жамиятининг хорижий аъзоси, Осиё ва Тинч океани минтақа юристлари халқаро ассоциацияси ва Россия Халқаро хуқуқ ассоциацияси аъзоси, шу-

нингдек, Сорбонна университетининг фахрий профессоридир. Академик Акмал Саидов қиёсий хуқуқшунослик, халқаро хуқуқ, конституциявий хуқуқ, инсон ҳуқуқлари халқаро хуқуқи, давлат ва хуқуқ назарияси тарихи, ислом хуқуқи бўйича 30 дан ортиқ илмий асарлар ҳамда ўқув қўлланмалари, 350 дан зиёд рисола ва илмий мақолалар муаллифидир. Домланинг дил битиклари АҚШ, Буюк Британия, Австрия, Франция, Италия, Ҳиндистон, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Германия, Польша, Бельгия, Россия, Украина, Қозғоғистон ва бошқа давлатларда нашр қилинган. У 200 дан ортиқ халқаро илмий анжуманларда қатнашган.

Машхур олим миллий ва халқаро хуқуқнинг ўзаро муносабатлари ҳамда халқаро хуқуқни ўрганиш билан фаол шуғулланади. Шу муносабат билан унинг “Общепризнанные права человека” (Москва, 2002), “Международное право прав человека” (Москва, 2002), “Международное право и избирательное законодательство Республики Узбекистан” (Тошкент, 2004) монографиялари амалиётга жорий қилинган. Акмал Саидов “Амир Темуру ва Франция”, “Амир Темуру — дунё илм-фани кўзгусида”, “Атторшунослик” каби бир қатор йирик ҳажмдаги китоблар муаллифидир.

Айниқса, ўзбек китобхонини Ғарбнинг юрист-адиллари ижоди билан таништириш Акмал Саидовнинг маънавий-маърифий фаолиятида алоҳида ўрин тутати. Бу йўналишда олимнинг “Шекспир ва юриспруденция” (Тошкент, 2011), “Данте — юрист” (Тошкент, 2011), “Иммануил Кантнинг фалсафий-хуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция” (Тошкент, 2012), “Хофман немис ва ўзбек юристи нигоҳида” (Тошкент, 2013), “11 француз юрист-адиллари” (Тошкент, 2013), “Кафка — юрист” Тошкент, 2013), “Гёте как юрист” Тошкент, 2014) каби бир қанча асарлари ўзбек, рус, инглиз, француз ва немис тилларида нашр этилган. У Имом Термизийнинг “Сунани Термизий”, Бурхониддин Марғиёнийнинг шоҳ асари — “Ҳидоя” китобларини ўзбек тилида chop этиш ташаббускори ҳамда масъул муҳарриридир.

Ҳозирги пайтда фарзандларимиз севиб мутлаа қилаётган Эрнст Теодор Амадей Хофман қаламига мансуб “Хофман эртақлари” китоби, Антуан де Сент-Экзюперининг “Кичкина



шаҳзода”, Виктор Гюгонинг “Клод Гё” каби сара асарларининг ўзбек тилида нашр этилишида ташаббускор бўлди. Акмал Саидовнинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб эътироф этилган. У 1998 йилда “Ўзбекистон белгиси” кўрак нишони, 2002 йилда “Меҳнат шўхрати” ордени, 2006 йилда “Дўстлик” ордени, 2017 йилда “Эл орти хурмати” ордени билан тақдирланган.

Акмал Саидовнинг ваъзхонлик тили ва маърузалари равлонли ҳам таҳсинга лойиқ. Устоз журналист Аҳмаджон Мелибоев таъкидлаганидек: “Равон нуқт, таъсирчан талаффуз — инсоннинг ҳеч нарсасига қийслаб бўлмайдиган маънавий бойлиги. Ўз тилида, шу билан бирга бошқа тилларда мукаммал сўзлаб оладиган, фикрини тиниқ ифода этишга қодир кишилар фазилат бобида қомилликка яқин турадилар”.

Мен ҳам бунга Россия Фанлар академиясининг хорижий академиги Акмал Холматович билан мулоқотда амин бўлдим.

Ўттиз йилдан буён Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази раҳбари — Россия ФА хорижий академиги тўғрисида таниқли шоир, сенатор Абдусaid Кучимов “Бугуннинг раҳбарлари” шеърда ушбу теша тегмаган сатрларни унга бағишлагандек гўё:

Раҳбар — миллат шарафи.

Раҳбар — миллат кўзгуси.

Оқил раҳбар, чин раҳбар,

элининг сарбадоридир.

Ношудлар бир кун сўзсиз

сомон каби тўзғуси,

Ботир эрлар эл-юртнинг

ифтихори, оридир...

Карим НОРМАТОВ,
профессор.

УЧ АВЛОД
УЧРАШУВИ

1-6

9 май — Хотира ва қадрлаш кuni муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “9 май — Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази ҳамкорлигида Уч авлод учрашуви маънавий-маърифий тадбири ташкил этилди.



Мазкур учрашувда узоқ йиллар оммавий ахборот воситаларида самарали фаолият юритган фахрий журналистлар, соҳа фидойилари, урта авлод вакиллари ҳамда журналистика йўналишида таҳсил олаётган ва соҳада фаолият кўрсатаётган ёшлар иштирок этишди. Тадбир аввалида сўз олганлар Хотира ва қадрлаш кунининг мазмун-моҳияти, юртимизда инсон қадрли, устозларга ҳурмат ва тарихий хотирани эъзозлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Учрашув давомида фахрий журналистлар ўзларининг босиб ўтган ҳаёт йўллари, касб фаолиятидаги мураккаб ва масъулиятли жараёнлар, ижодий изланишлар ҳамда йиллар давомида ортирилган тажрибалари ҳақида айтиб бердилар. Айниқса, матбуот ва журналистика соҳасининг турли даврлардаги ўзига хос жиҳатлари, касбга садоқат, сўз масъулияти ва фидойилик ҳақида билдирилган фикрлар ёшлар учун катта ҳаётий мактаб ва зифасини ўтати. Шунингдек, устоз журналистлар бугунги ёш авлоднинг иштилолари ва замонавий медиамақомага фаоллигини юқори баҳолаб, уларга доимий ўқиш, изланиш, миллий қадриятларга содиқ қолиш ҳамда журналистиканинг асосий тамойилларига амал қилиш юзасидан тавсиялар бердилар. Самимий ва очиқ мулоқот руҳида ўтган тадбир давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олиб, устозлар билан эркин суҳбат қуриш имконига эга бўлдилар. Бу эса авлодлар ўртасидаги маънавий боғлиқликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Уч авлод учрашуви хотира ва қадрлаш туйғуларини юксалтирибгина қолмай, балки устоз-шогирд анъаналарини давом эттирувчи, бий тажри-

баларни ёш авлодга етказувчи ҳамда миллий журналистикамизнинг ривожига ҳисса қўшувчи муҳим маънавий платформага айланди.

ФАХРИЙ
ЖУРНАЛИСТ
ҲУЗУРИДА

9 май — Хотира ва қадрлаш кuni муносабати билан Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг худудий бўлиmlари томонидан фахрийлар иш-тироқида қатор тадбирлар ўтказилди.

Хусусан, Уюшманинг бир гуруҳ фаоллари Навоий шаҳрида узоқ йиллар матбуот соҳасида самарали фаолият юритган фахрий журналист Муаззам Қодирова хонадониде бўлиб, устоз ижодкор



ҳолидан хабар олди. Самимий руҳда кечган мулоқот давомида устоз журналистнинг кўп йиллик ижодий фаолияти, бой ҳаётий тажрибаси ҳамда матбуот соҳаси ривожига қўшган муносиб ҳиссаси эътироф этилди. Устоз ижодкорнинг ҳаёт йўли, касбга садоқати ва фидокорона меҳнати бугунги ёш журналистлар учун ҳақиқий ибрат мактабидир. Учрашув давомида марҳум журналист Абдуваҳоб Пирматов хотираси ҳам ёдга олинди. “1974 йилда журналистика факультетини тамомлаб, турмуш ўртоғим Абдуваҳоб Пирматов билан “Кармана овози” газетасида илк меҳнат фаолиятимни бошлаганман. Ўша йиллар ҳаётимнинг унутилмас саҳифаларидан бири бўлиб қолган. У киши мен учун нафақат турмуш ўртқ, балки ҳақиқий устоз ва елкадош ҳам эди”, — деди Муаззам Қодирова.

Абдуваҳоб Пирматов илк меҳнат фаолиятини “Кармана овози” газетасида бошлаган бўлиб, кейинчалик матбуот соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган. У 2000 йилдан умрининг сўнгига қадар “Халқ сўзи” газетасининг Навоий вилояти бўйича мухбири сифатида фаолият юритган.

Учрашув давомида фахрийлар ва ёш журналистлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ёш ижодкорларни касбга муҳаббат ва масъулият руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Фахрий журналиста Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

МАҲАЛЛА — ОБОДЛИК ВА
БИРДАМЛИК МАНЗИЛИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми доирасида Сурхондарё вилоятида “Янги Ўзбекистон маҳаллалари — ободлик ва бирдамлик манзили” шиори остида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун медиатур ташкил этилди.

Тадбирдан асосий мақсад маҳаллаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, бандликни таъминлаш ва инфратузилмани ривожлантириш борасидаги амалий натижаларни кенг жамоатчиликка етказишдан иборат бўлди. Медиатур давомида журналистлар вилоятда маҳалла тизимида амалга оширилаётган ислохотлар билан яқиндан танишиди. Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 723 та маҳалла мавжуд бўлиб, шундан 48 таси чегара ва олис ҳудудларда жойлашган. Вилоятда 3 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

2026 йилнинг биринчи чорағида “Камбағал оилалар реестри”га киритилган 9 мингдан зиёд оилага барқарор фандор хизматлари кўрсатилди. Минглаб фуқаролар иш билан таъминланиб, тадбиркорлик фаолиятига жалб этилди, кредит ва субсидиялар ажратилди. Аҳоли мурожаатларини маҳалланинг ўзида ҳал этиш тизими йўлга қўйилгани натижасида мурожаатларнинг аксарияти ижобий ечим топмоқда. Вилоятда маҳалла биноларини қуриш ва таъмирлаш ишлари ҳам изчил давом эттирилмоқда. 14 та маҳаллага янги бинолар қуриб берилган, қатор маҳалла бинолари реконструкция қилиниб, замонавий қуришни келтирилган.

Медиатур иштирокчилари дастлаб Термиз туманидаги “Қаҳрамон” маҳалласида бўлиб, бу ерда йўлга қўйилган иссиқхоначилик, гулчилик ва қўчатчилик фаолияти билан танишдилар. Айниқса, маҳалланинг тажрибали томорқачиси Бобоёр Холбоевнинг фаолияти катта таассурот қолдирди. У 52 сотих ер майдонида ташкил этган дехқон хўжалигида помидор, бодринг, булғор қалампир, қарам маҳсулотлари билан бир қаторда ўнлаб турдаги гул қўчатларини етиштирмоқда. Ушбу хўжалик орқали 12 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланган бўлиб, уларнинг аксариятини “Аёллар дафтра”даги хотин-қизлар ҳамда меҳнат мигранциясидан қайтган фуқаролар ташкил этади. Бобоёр Холбоевнинг ташаббускорлиги ва



меҳнатсеварлиги давлат томонидан муносиб қадрланиб, у “Намунали томорқачи” кўрак нишони, “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони ҳамда “Дўстлик” ордени билан тақдирланган.

Журналистлар Термиз туманидаги “Айритом” маҳалласида давлат гранти асосида барпо этилган спорт майдончасини кўздан кечиридилар. Мазкур маскан ёшларни спортга кенг жалб қилиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиби этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Медиатур давомида Термиз шаҳридаги “Кокилдор ота” маҳалласига ҳам бориб, ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишилди. Минглаб кунда ушбу маҳалла иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан тез ривожланаётган ҳудудлардан бирига айланган. Бу ерда асосий иқтисодий йўналиш иссиқхоначилик бўлиб, юзлаб хонадонларда помидор, бодринг, қалампир ва қулупнай етиштирилмоқда. Маҳаллада яқинда замонавий маҳалла биноси фойдаланишга топширилган бўлиб, тадбиркор Абдулваҳоб ота Абдусатторов ташаббуси билан бунёд этилган ушбу бинода “маҳалла етиллиги” учун барча қўлайликлар яратилган. Журналистлар томорқадан унумли фойдаланаётган хонадонлар ҳамда ҳашар йўли билан бунёд этилаётган пиёдалар йўлакчаларини ҳам кўздан кечиридилар.

Медиатурнинг эътиборли манзилларидан бири Жаркўрган туманидаги “Янги Ўзбекистон” маҳалласи бўлди. Чўл ҳудудини ўзлаштириш ҳисобига бунёд этилаётган ушбу массивда қисқа муддат ичида кўп қаватли уйлар, мактаб, боғча ва маҳалла би-

нолари қад ростлаган. Минглаб аҳоли янги хонадонларга кўчиб қирган. Ҳудудда ахборот технологиялари ва инглиз тилига иқтисослашган ўқув марказлари, микромарказлар ҳамда савдо объектлари фаолият юритмоқда. Ичимлик суви, газ, электр ва иссиқлик тармоқлари тортилиб, кенг қўламли қўламазорлаштириш ишлари амалга оширилган. Журналистлар бу ерда яратилган замонавий инфратузилма ва аҳоли учун яратилган қўлайликларни юқори баҳоладилар.

Шунингдек, медиатур давомида Жаркўрган туманидаги “Гулистон” маҳалласида йўлга қўйилган картошкачилик фаолияти билан ҳам танишилди. Бу ерда аҳоли томорқадан самарали фойдаланиб, нафақат ўз дарамадини ошираётгани, балки ички бозорни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшаётгани қайд этилди.

Сурхондарё вилоятида ташкил этилган мазкур медиатур маҳаллаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг амалий натижаларини намоён этиш, илгор тажрибаларни оммалаштириш ҳамда давлат ва жамоатчилик ўртасидаги очиқ мулоқотни мустаҳкамлашга хизмат қилди. Журналистлар маҳалла тизими инсон манфаатларини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва жамиятда тинч ҳамда фаровон муҳитни шакллантиришда муҳим кучга айланиб бораётганига яна бир бор амин бўлдилар.

Занжилой АБДУСАЛОМОВА,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати ходими.

1-6

Юқорида ёзганларимни ҳеч ким рад этолмайди. Уларни бор бўйича қўрсатиш учун эса неча жилдлаб китоблар ёзилса бўлади. Мен фақат бошимдан ўтказганларимнинг ва туғилган юртим Сурхондарёда рўй берган машъум воқеаларнинг бир қисминигина эслайман.

Авж олган муаммоларни бартараф этиш йўллари ҳеч ким билмасди.

Бироқ Парвардигор билгувчидир! У мамлакатни ривожланиш сари йўналтириш учун нима қилиш кераклигини аниқ билди.

Мамлакат Президентлигига Шавкат Миромонович Мирзиёев сайланди ва... бирдан мўъжизаларга ўхшаш ҳодисалар рўй бера бошлади.

Айтиб ўтганим — кўргиликлар битта-битта ечимини топиб кетаверди. Тўлов пластик карталар рисоладагидай ишлаш бошлади. Пенсиялар тўлиқ бериладиган бўлди. Банклар янгича ишлаш тизимига ўтди: хоҳасаларинг, мана сўм, истасаларинг доллар, марҳамат... Сурхондарёдаги одам қиёфасидаги ҳайвонлар ҳам жазосини олди. Аммо бу ечимларни топиш учун қанчалар сабот ва жасорат керак бўлгани фақат ва фақат Шавкат Миромоновичнинг бир ўзига аён. Ахир қаламга олганим ҳодисалардан ташқари, унинг зиммасида яна қанча-қанча ташвишлар бор эди.

Биргина Сурхон халқини зор қашқатдан мустақиллигининг зараркундалари шайқасини туғатиш нақадар қийин бўлганини тасаввур қиламан. Ахир улар осмондан тушмаган — бу ғумроҳларни Тошкентдаги мартабаси баянд, бели бақувват, бировни назар-писанд қилмайдиган ҳомийлари қўллаб-қувватлаб турарди. Бу жиноятчилар тўдасининг кўлами жуда катта — бир-бири билан зич боғланиб кетган, халқнинг манфаати деган мўқаддас тушулчани тушида ҳам кўрмаган, одамлар ҳаётини ҳасдан ҳам арзон билган бедаволардан иборат эди. Аввал мана шу тўданинг боши кесилди. Бу иш осон бўлмади. Бўшангроқ бир одам бўлганда улар билан муроаси мадора этиб кетаверарди. Аммо Шавкат Миромонович бундай қилишни ўзига эп билмади. Чунки ўртада Ватан, халқ тақдири бор эди. Бўлажак Ватани бундай тўдаларга панжа орасидан қараб эмас, балки бу тоғфа ноқислардан тозалаб, покиза ният ва эзгу ҳаракатлар билан яратиш лозимлигини Шавкат Миромонович мудом ҳис этиб турарди.

Ватанни ҳалол одамлар яратишини бу инсон жуда теран тушунадди.

Қўтилиқ иллати юққан бу касрлардан эл-юрт озод қилинди. Аввал "тепа"даги, кейин пастдаги қатлам илдизи билан суғуриб ташланди. Бу гаплар айтишга осон...

Мамлакатимиз тарихида ушбу воқеалар кимгадир жуда кичик эпизод бўлиб туюлар, аммо Ватанни халқнинг бошига чиқиб олган бундай жирканч тўдалардан озод этиш учун раҳбаримизга қанчалар матонат ва қатъият керак бўлганини бир тасаввур қилиб кўринг!

Эсимда: бу воқеалар нияҳосга етказилган, Президентимиз Сурхонга ташриф буюриб, "Сурхондарё халқи, энди озодсан!" деб элга мурожаат этган эди.

Ҳақиқатан, Сурхондарё эркин нафас олди.

Мен фақат яхши билганим — Сурхондарё ҳақида ёзяман. Ўзбекистонда эса ўн тўртта маъмурий-худудий бирлик бор. Президентимизнинг улардаги муаммоларини ҳал этишдаги мардонча сарф-ҳаракатини қаламга олиш учун эса бу мақола кичиклик қилишини сезиб турибман.

2

Одамлар яхшиликка тез кўникади. Бир-икки "Яхши бўлди-е!" деб қувонади-ю, кейин худди ҳақиқат шундай бўлгандай ўтиб кетаверди. Назаримда, шундай бўлган ҳам дуруст! Одамлар одамга ўхшаб яшашни ўрганапти! Муносиб яшаш мўъжиза эмас, шунчаки ҳар кунги биз юзма-юз дуч келадиган воқелик эканлига кўникиб бораёلمиз-да!..

Аммо мен ривожланиш жараёни шу қадар жадал бораётганидан барибир қувонаман.

Авлиёлар, олимлар маскани бўлган Термиз эсимни билганимдан буён кўримсиз, чанг-тўзонга қоришган, соя-салқиндан йироқ — ёпиқ ҳарбий шаҳарча эди. Унга киришини ўш ҳам бир машаққат — ҳарбийларнинг пости ўрнатилган, ҳар бир йўловчининг پاسпорти синчиқлаб текширилар, агар Сурхондарё ҳисобида бўлмасангиз, ўтиб кўринг-чи!

Мустақилликдан кейин эса, ҳазарингиз бор, бундай текширувлар янада авж олди. Энди ҳар бир вилоят ўртасида сунъий тўсиқлар — постлар ўрнатилди. Бу ҳолат халқимизнинг мамлакатимиз бўйлаб эркин ҳаракатланишига ҳалал берадиган ортиқча машмаша эди. Паспортни унутган бўлсангиз, бу постлардан ўттишини ягона йўли — имконини топиб, "посбон"ларга пора бериш эди... Бошқа иложингиз йўқ. Назаримда, бу постлар худди шундай вазият яратиш учун қўйилган тузок эди...

Сурхондарёда эса бу ҳолат йўловчини жиддий таҳликага соладиган даражада мураккаб эди. Вилоятга киришда — Дарбанд постиди худди хорижга кетаётганингиз каби бор-йўлингиз тинтилар, юкларингиз эса лентига солиниб, лазерли ускуналар ёрдамида кўздан кеччирилди. Бу ҳам етмагандек, жомадону сумкалар ҳам очдирилиб, текшириларди... Тинтув. Хуллас, пора бермасангиз, кутулиб бўлсиз. Термизга ва Сарисийёга кираверишда яна шу ҳолга дуч келинар эди.

Бу тўсиқларнинг ҳаммаси Шавкат Миромоновичнинг бир шашти билан йўқ бўлди. Чангу ғуборга қоришган Термиз ҳам бирдан ўзгара бошлади.

Ҳозир бу шаҳар кўчаларининг икки четиди манзарали дарахтлар соя ташлаб турибди. Кетгунча ям-ашил чимзор. Гуллар ажиб дид билан экилган. Яқинда меҳмонхонадан машинада чиқиб, мана шундай гўзал — бир қарич ҳам узилмаган манзарани оралаб, аэропортга бордим. Хорижий қурутот шаҳарчаларни эслатади. Янги қурилган шинам, кўркам иморатлар ҳам ярашиқли. Менга ўқитувчилардан бири "Одамларнинг уй-жойга эҳтиёжи тўлиқ таъминланган, бир хонадонда икки-уч оила тикилиб яшайдан кутулган", деб қолди. Амалдор эмас, ўқитувчи айтди!

Термиз эса усяпти. Баянд-баянд бинолар қад кўтаряпти. Ҳатто шаҳар эркин нафас оролаб, тикилмай қангайиш учун кўшимча ерлар кераклиги кўзга ташланиб қолди. Шавкат Миромонович бу масалани ҳам ҳал қилиб берди

РИЁСИЗ СЎЗЛАР



— шаҳарга қўшимча жойлар ажратилди.

Ўқувчида "Сурхондарёда фақат Термиз гуллаб-яшнаётган экан" деган таассурот қолмаслиги учун айтиб қўйи, вилоятлардаги барча туманлар ўзгача қиёфа касб этган. Чамаси, беш-олти йил аввал бир гуруҳ санъаткорлар билан Сурхоннинг шимолий ҳудудлари сари кетаётган эдик. Йўлда бир зум чалибман. Ўзимга келиб қарасам, бир нотаниш шаҳарнинг ёнидан ўтяпмиз. Кўп қаватли уйлар, орасида ораста йўлақлар, дарахтлар, болалар ўйнайдиган майдончалар лип-лип ўтади. Қаерга келиб қолдик? Сурхондарёнинг ҳар бир қарич ерини биламан. Наҳотки, туш қўраётган бўлсам? Бир оз юргач, англадим: бу — Денов. Ҳа, ўзим бошдан-адоқ кезиб-билиб юрганам Денов! Эй Худо! Бу шаҳар ичидига шаҳар — мўъжиза қачон, қандай барпо бўлди? Шунча тезми? Англадим — бу мўъжиза Президентимизнинг шижоати туфайли бўнад бўлган! Сўнг тасаввур қилдим: мамлакатда қанча туман бор, қанча шаҳар бор, бординг, маҳаллалар бор... Барчасида мана шундай бунёдкорлик кетаётган бўлса керак-да! Кетяпти!

Бутун мамлакатда бундай ёппа бунёдкорликни қайси қудрат ҳаракатга келтиряпти? Бу саволга жавоб аниқ: Шавкат Миромонович Мирзиёев!

3

Мен мажлисларда кам қатнашаман. Мақсад мажлис ўтказишдангина иборат бўлган йиғинлардан ўзимни тортаман.

Аммо яқин кунларда икки мажлисда қатнашиб, вақт қандай ўтганини сезмадим. Завқланиб ўтирдим. Ўзбекистонни севадиган бир ватанпарвар сифатида фахру қувонча тўлдим. Гап Ватанимизнинг бир бўлаги бўлган Сурхондарёнинг эртаси ҳақида кетди. Президентимиз вилоятда 2030 йилга қадар амалга ошириладиган режалар ҳақида сўзлади.

Мажлисда режалар ҳақида шунчаки гапирилмади, балки уни амалга ошириш учун пухта, қўламли ва аниқ тайёргарлик қўрилгани маълум бўлди. Масалан, мана бу тарзда: режа лойиҳаси тайёр, маблағ бор (банк бошлиғи тасдиқлайди) ёхуд жаҳондаги қайси инвестор билан келишилгани айтилади), бу режани амалга оширадиган ташкилот ҳам шай турибди. Ишни қачон бошлаш санаси ҳам аввалдан аниқланган. Мутасаддиқлар яна бир бор мажлис ахли олдиди ахборот берди. Ҳар бир лойиҳада қанча иш жойи очилиши ҳам очиклаб борилади. Юзлаб, минглаб...

Ҳар бир режа ҳақида сўз кетганда, шу тартибда амалга оширилди. Бирор-бир ишни бажариш оруз сифатида айтилмади. Аксинча, қатъий ишонч билан ахборот берилди.

Бу режаларнинг бир учи хорижга бориб қадалганда эса онлайн тарзда мажлисда қатнашаётган элчиларимиз чет эллик ҳамкорлар ҳозир турганини, Ўзбекистондан имо бўлган, шу заҳотиёқ учиб боришини маълум қилди. Хорижлик ҳамкорлар ҳам ундай-бундай мамлакатлардан эмас — Хитойдан тортиб, Жанубий Африка Республикасигача!

Шавкат Миромонович ҳеч нарсани унутмади. Президентимиз бугун нима ишларни бажариш лозимлигини, эртага нимани амалга ошириш кераклигини ички — онгоси туйғу билан ҳис қилишини шундоқ сезиб турдим.

Каттаю кичик муаммоларнинг ечимини топишда бир хил масъулият билан ёндашишга, баъзан бадихаларига ҳам гувоҳ бўлдим.

Мажлисдан аввал бойсуниқ — кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони Тохтемир полвон Муҳаммадиев билан ёш курашчилар учун очилган интернат ҳақида сўхбатлашган эдик. Мажлис сўнгроғида Президентимиз ана шу полвонга мурожаат қилиб қолди:

— Сенинг интернатингнинг мактаби йўғ-а? — Йўқ, — деди полвон. — Болалар қаерга ўқишга боради? — Шу атрофдаги қишлоқлардаги мактабларга. Шавкат Миромонович кўзи билан залдан керакли одамни излаб топди: — Пулиғ бор-а? — Ҳа, — деб ўрнидан кўзгалди "керакли одам". — Шу полвоннинг интернатига мактаб қуриб бероласанми?

"Керакли одам" жон деб рози бўлди. — Биринчи сентябрдага тайёр бўлсин! — деди Президентимиз.

Завқланганимдан секингина бўлса-да "Воя", деб юбордим. Ахир Шавкат Миромоновичнинг елкасиди қаришб ўттиз тўққиз миллион нуфусли халқнинг ташвиши турибди! Мамлакатда эҳ-хе қанча мактаб бор! Энди келиб-келиб, Президентимиз Тохтемир полвоннинг мактаб-интернати муаммосини еслаб ўтиради...

Йиғинда менга ҳам сўз берилди ва мен бу мажлисни сурхондарёликлар учун байрам деб атадим. Чунки тушунишмиз, Ватан деган мукташа иморат ривож учун қўйилган ҳар бир гишт — байрам. Бугун эса қанчадан қанча гиштлар қўйилди!

Бу мажлисда айтилган ва келгусида амалга ошириладиган ҳар бир режа рўй ҳазинаси қанчалар бойиши, одамлар хонадонига қанчалар файзу барака олиб кириши ҳақидаги рақамларни



еслаб ўтирмайман. Чунки улар матбуотда етарлича ёритилди.

Аммо бир қўтлуғ хабарни айтмасам бўлмайдди. Йигирма олтинчи апрелда Бойсунга борадиган бўлдим.

Термиздан келадиган йўл манзилга опти-етти километр қолганда юқоридаги мажлисда тилга олинган — бир неча йиллардан буён қурилиши давом этаётган Дарбанд — Денов трассасига қўшилиди. Биз бўлажак трассага тушдик. Пишиқ қилиб ишланган бетон йўл. Ғизиллаб кетяпмиз. Фақат икки жойда гавараси кўтарилиб, қурилиши нияҳосига етмаган кўприкларни айланиб ўтдик, холос. Ичимда "Бир-икки ойда битиб қолар", деб ўйладим.

Тўрт кундан кейин "Бойсун баҳори" фестивалида қатнашиш учун шу йўлдан яна ўтишга тўри келди. Бу сафар машинамиз тайёр бўлган кўприклар устидан ғизиллаб ўтиб кетди! Ҳа, тайёр бўлган кўприклар устидан! Орадан фақат тўрт кун ўтиб!.. Яна руҳимни қувонч сели бошди! Қо-йил! Ва Термиздаги мажлисда айтилган барча режалар шу мuddатида бажарилишига ишончим комил бўлди.

Президентимиз йиғин сўнгиди шу тахлит режалар билан барча вилоятга ва Қорақалпоғистонга борилишини таъкидлаб ўтди! Яна мамлакат келажагини барпо этиш йўлида оммавий жадал ҳаракат! Бир зум бўшашмайдиган, эл дастурхонига барака берадиган режалар. Бу режаларнинг асосчиси Шавкат Миромонович ҳам бир зум тиним билмайдиган, мудом халқ манфаати учун қўйиб-ёнадиган инсон! Эзгу ниятларига фаришталар омин дейди! Парвардигор раҳмат эшигини очади!

Мен яқин келажақда юртимизнинг энг илғор мамлакатлар қаторидан ўрин олишига ишонаман. Бу ишончимга қўшилмайдиганлар бўлса, Жаҳон банкининг Ўзбекистоннинг ривожланиш суръати ҳақидаги рақамларига мурожаат этсин. Банк 2026 йилда мамлакатимиз ялпи ишлаб чиқариши суръатини 7,7 фоиз этиб, прогноз беряпти. Хорижлик мутахассисларнинг фикрича, ўн-ўн икки йилдан кейин Ўзбекистоннинг ялпи ишлаб чиқариши триллион доллардан ошар экан! Триллион! Булар осмондан олинган эмас, аниқ фактлар таҳлили асосида юзага келган рақамлар! Кўз темгасин!

Уэр, хорижлик мутахассисларни ҳам хижолат этиб қўйяпмиз! Юқоридаги рақамларни ёзгандан кейин хозиргина ўқиб қолдим: усишимиз суръати уларнинг тахминидан жуда юқори — 8,7 фоиздан зиёд экан!

4

Дунёнинг улуг донишмандлари инсониятни тўти турган қадриятлар ҳақида охир-оқибат ягона хулосага келган. Инсонлар, халқлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларга ўзи ҳам аралашиб, не-не гафворлари бошдан ўтказган Алишер Навоий бир кунги мана бундай сатрларни битган: Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ, Ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлғи иш.

Бу байт маъносини барча англаб турган бўлса ҳам майли, шарҳлаб қўяй: "Дунё одамлари, — деяпти шоир, — билиб қўйинг: душманлик яхши иш эмас. Бир-бирингиз билан дўст бўлинг, инсонга фақат дўстлик ярашади".

Шавкат Миромонович, назаримда, ҳали Президентлик лавозимига сайланмасдан олдин ҳам "душманлиғ иш эмас" эканини чуқур тушушган. Марказий Осиёдаги қондош-жондош мамлакатлар ўртасида авж олган нохушликларни юраги ачишиб қузатган. У бошқарган Вазирлар Маҳкамасининг вазифаси ҳўжалик юритиш бўлгани учун қўшиллар билан муносабатимиз ёмонлиғи туфайли ривожланиш имиллаётганини теран ҳис қилган. Энг муҳими, бу галвалардан одамлар ҳам азобланаётганини ўз кўзи билан кўрган.

Албатта, шундай бўлган! Шу боис, Шавкат Миромонович мамлакат бошқаруви жиловини ўз қўлига олган, бир зум тин олмай, аввало, қўшиллар билан қардошлиқ-қариндошлиқ ришталарини тиклай бошлади. Бу иш қанча оғир-енгил кечгани фақат шу эзгу ниятли одамнинг ўзига маълум. Аммо натижа кутлуғ — қўшни мамлакатларга йўлимиз тушса, Ўзбекистоннинг бир фуқароси сифатида биз ҳам иззат-ҳурмат кўряпмиз.



Сурхондарё вилояти учта мамлакат билан чегарадош. Шўролар даврида, масалан, Тожикистон билан Ўзбекистон ўртасида чегара бор-йўқлиги эсимизга ҳам тушмасди. Термиз ёпиқ шаҳар бўлгани учун Душанбега ҳам учиб бориб, Сурхонга ўтиб кетаверардик. Баззилар каттароқ бозор-ўчарини Душанбега бориб қиларди... Аммо мустақилликдан кейин бир мuddат ўтгач, ҳамма ўзига хон, ўзига бек бўлиб олди. Чегарадан ўтиш ушалмас орузга айланди!

Ҳозир тарихга айланган бошогўриқ бу кунлардан бир шингил воқеани куни кеча ҳикоя қилиб беришди. Сарисийёда яшайдиган бир кекса аёлнинг Регардаги синглиси вафот этганда жигарининг қабрини зиёрат этиш учун саккиз йил уриниб, чегарадан ўтолмаган экан. Регар билан Сарисийёнинг ораси, ҳа бординг, ярим соатлик йўл!

Икки мамлакат ўртасида дўстлик-биродарлик муносабатлари ўрнатилгач, қариндошлар бу узоқ айрилиқдан сўнг йиғлаб-сиқтаб юз кўришди. Душанбеда шувиллаб машиналар Сурхондарёга келадиган, уч-тўрт сарисийёлик дўстлар "Душанбени бир айланиб келайлик", деб йўлга чиқади-ган бўлди. Бир қадам йўл! Эрталаб бориб, кечқурун қайтиб келасиз!

Тожикистонни бошқа худудлар, қўйингки, жаҳон билан боғловчи асосий йўллар юртимиз орқали ўтади! Энди бундай имкониятларга эга тожик халқининг хуррамлиги нечоғлиқ бўлганини тасаввур этинг!

Шу сабабдан Шавкат Миромонович бу қўшилларимиз юртига ташриф буюрганда, Эмомали Раҳмон саҳнадан туриб, ҳазил аралаш жуда зўр луфт этган эди: "Булар, — деди у зални тўлдириб ўтирган тожик халқи вакилларига ишора этиб, — сизни мenden ҳам ортиқ яхши кўради!". Мана хурмат! Мана қардошлик!

Президентимизнинг бу ташрифидан сўнг бир мuddат ўтгач, беш-олти ёзувчи ҳам бўлиб, Душанбега бордик. Мақсадимиз Бойсунда туғилган дўстимиз, Тожикистон халқ ёзувчиси Саттор Турсун вафоти муносабати билан яқинларига ҳамдардик билдириш эди. Ёз кунлари. Эгнимизда ёзлик ёнғил-бош... Аэропортда эса бизни ўн-ўн беш чоғли киши — оппоқ қўйлақ, қора костюм-шим кийган тожик дўстларимиз кутиб олди. Эртаси кунги қўтилмаганда Тожикистон Ёзувчилар уюшмасида қардош адабиётларимиз алоқалари ҳақида конференция ўтказилди. Яна ҳамма ўша расмий кийимда. Кўчада эса ёз... Биродарлар, бу тарзда мажлисининг номини иззат-икром дейдилар! Ўзбекларга иззат-икром!

Бизни Сурхондарёга олиб кетгани юртимиздан оғайинлар келди. Мен йўлда қандай кетсак бўлади, автомобилларни ҳайдовчилар қайси тезликда ҳайдаса маъқул, милисалар тўхтаган, қандай муомала қилиш керак деб сўраб қолдим. Ҳар ҳолда машиналаримиз рақами Ўзбекистон-ники-да! Тожик дўстларнинг жавоби мени ҳайрон қолдирди:

— Ҳар қандай тезликда ҳайдаверинглар! Милисалар тўхтамайди! Президентимиз "Ўзбеклар менинг меҳмоним — уларга ҳеч ким тегинмасин", деб юқори минбарда айтган!

Қалай? Бу гаплар ўзбек халқига хурматнинг энг чўққиси эди.

Икки халқ ўртасидаги бу иззат-ҳурматнинг қайтиши, янада юқори даражага кўтарилиши Шавкат Миромоновичнинг жонқуярлиғи, самимий — дипломатик маҳорати ва инсоний фазилатлари билан боғлиқ эди.

Яқинда атоқли ўзбек шоири Шавкат Раҳмон таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш учун Ўш шаҳрига бир гуруҳ ижодкорлар билан йўлга чиқдик. Илгари ҳам ўш сафарида бўлганман. Чегара машмашаларини ўйлаб, кўнглим хижил бўлиб бораётгандим. Аммо безовталикка ўрин йўқ экан. Ўзбекистон фуқаролиғига оид ҳужжатларимизни кўрсатиб, бемалол ўтиб кетавердик. Қирғизлар ҳам юртимизга шундай кириб келаяпти.

Бу бемалоллиқни яратган, икки халқ ўртасида ишонч ва ҳақиқий дўстликни қайта барпо этган инсонларни алқадик. Ахир, бу икки қўшни халқ ўртасидан нималар ўтмаган эди!

Шавкат Раҳмоннинг юбилейига бағишланган ижодий кеча нияҳотда баланд савияда ўтди. Мажлисда Қирғизистон ҳукуматининг бош қотиби, нуфузли ТУРКСОЙ ташкилот раҳбари, Ўш шаҳри ҳокими қатнашди ва нутқ сўзлади. Шавкат Раҳмон ўқиган мактабга ва шаҳарнинг катта кўчаларидан бирига шоир номи берилди.

Албатта, бу катта шоир шундай эҳтиромга арзийди. Шубҳа йўқ. Аммо барибир бу самимий эҳтиромнинг сабабчиси Шавкат Миромонович эканини ҳам ҳар дақиқада ҳис қилиб турдик.

Қамина Қозогистон сафарида бўлганимда дўстларнинг худди шундай меҳрига дуч келдим. Бир эмас, бир неча муқофот билан тақдирландим. Ҳатто хорижий бир мамлакатнинг адабий муқофоти ҳам қозоқ дўстларимизнинг тавсияси билан менга топирилди. Агар муносабатларимиз аввалдагидай гаразли кечганда, шундай ҳол рўй берармиди?!

Марказий Осиё халқлари ўртасидаги бу иттифоқчилиқнинг, бағрикенгликнинг ва меҳру муҳаббатнинг бош мезмори Шавкат Миромонович эка-

нини ҳозир барча кўриб турибди. Хорижликлар ҳам бу минтақани ривожланиш сари бошлаб борадиган куч сифатида Ўзбекистонга қарамоқда.

Мен, асосан, азалий ақён қўшилларимиз билан муносабатлар ҳақида ёздим. Ҳар кунги ўзгараётган бу чигал дунёдаги бошқа мамлакатлар билан муносабатларимиз ҳам айтишга арзигулик эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Масалан, Афғонистон билан етарли даражада алоқалар ўрнатганимиз. Ахир бу мамлакат орқали океанларга чиқиш орузимиз бор!.. Ҳозир шундоқ Амударёдаги кўприкдан ўтиб, ўзбек тупроғига қадам қўйилган жойда "Ўзбекистон — Афғонистон чегара олди савдо ҳудуди" бунёд этилган. Қатор-қатор дўконлар, меҳмонхоналар, ошхоналар... Савдо-сотик авжида. Ҳудуд тўлиб-тошиб кетаяпти. Президентимиз бу ҳудудга яна қўшимча ер ажратиш ҳақида топириқ берди.

Албатта, бу ён қўшилларимиз ҳам Ўзбекистон раҳбари шазнига илиқ сўзлар айтгани-айтган...

Дунёда ҳақиқий обрўга эга бўлиш осон иш эмас. Бу рутбага истеъдодли, ўзини аямая меҳнат қиладиган, фаросатли, бошқаларнинг ҳам манфаатини ҳурмат этадиган, ўз мамлакатини ҳам жонидан яхши кўрадиган сиёсий арбобларгина сазовор бўлади.

Мана шундай обрўга эга бўлганлардан бири эса бизнинг Президентимиз — Шавкат Миромонович! Ҳа, ўзимизнинг Президентимиз!

5

Мамлакатимиздаги ўзгаришларнинг оқими жуда катта. Уларнинг ҳаммаси "Мен — ўзбекман!" деганларни қувонтиради.

Масалан, кейинги ойлардагина рўй берган қатор янгиликлар ҳали-ҳануз мени ҳайратга солиб келаяпти.

Агар икки-уч йил аввал биров "Барчамизнинг жонимизга теккан шу пахтадан саксон-тўқсон центнердан қосил олинади", деса, қамина "Қўйсанг-чи", деб қўлиши аниқ эди. Аммо худди шундай бўлди! Яна қаерда денг? Сирдарёда! Бу вилоятда талабалигимда пахта терганман. Уртача йигирма центнердан ҳосил олинса, дўппи осмонга отиларди! Энди эса... Одам ишонмайди. Ҳатто деҳқонларнинг ўзи ҳам чаноқлар бошдан-адоқ очилган пахтазорга қараб, ҳайрат билан гапирганига гувоҳ бўлганман. Хориждан уруллик кептирилди! Кептирилди. Аммо ўзимиз ҳам қараб турганимиз йўқ. "Порлоқ" навли ғўзамиз хорижий навлардан ортиқ бўлса ортиқ, лекин кам эмас!

Бир жумла билан билан айтилганда, пахтачиликда инқилоб рўй берди! Ҳайратланарли яна бир воқеа.

Олмаликда 3-мис бойитиш фабрикаси ишга туширилди. Бундай фабрикалар қурилиб, ишга туширилиш жараёни бутун жаҳонда ўн йилга чўзилар экан. Бизда эса тўрт йилда (ҳа, тўрт йилда!) амалга оширилди. Бу мuddатга ҳатто ўзимизнинг энг катта мутахассислар ҳам, америкалик ҳамкор ҳам ишонқирамаган экан. Мана шу америкалик энди бутун жаҳонни Ўзбекистоннинг бу тезкор тажрибасини ўрганишга қақирди.

Яна бир ҳайрат. Фақат мен эмас, ҳали ўзбекларнинг неча-неча авлоди гурурланадиган мўъжиза — Ислон цивилизациясини марказининг бунёд этилиши. Бу марказ ажиб дид билан қурилган қошона. Деворларида қўл билан ишланган нақшлар, бутун дунёдан йиғиб келинган — илгари ўзимиздан олиб чиқиб кетилган ноёб экспонатлар, Усмон Қуръони, қадимий кўлёмалар... Уларни намойиш этиш учун энг замонавий технологияларнинг қўлланиши...

Шавкат Миромонович марказнинг қурилиши ҳақида қизик тушунтириш берди: "Бу марказнинг қурилишида шоммадик. Саккиз йилда охирига етказдик..."

Бу изоҳ менга жуда ёқди. Чунки навбатдаги бир иморат эмас, балки санъат асари қуриляётган эди! Санъат асари яратилишига худди шундай сабр-тоқат билан ёндашилади! Президентимиз мана шу нозикли

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ОЧЕРКЛАР УСТАСИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист
Миршароф МУҲСИМОВ ҳаёт ва ижод йўли

1966 йилнинг олтин кузи. Москвада оталар шон-шухрати йўллари бўйлаб юриш қатнашчиларининг Бутуниттифоқ II слёти бўлиб ўтаётган эди. Хорошевское шоссесидаги “Чодирлар шаҳарчаси” ўз кучоғига ёш изтопарларни олган. Бир куни эрталаб Волокиласкага жўнаш олдида унутилмас тарихий учрашув бўлди. Шаҳарчага қора “Волга” келиб тўхтади. Ундан биринчи бўлиб кенг яринли ва новчадан келган генерал, сўнгра ўрта бўйли, худди суратдагидек чехрасидан илиқ табассум барқ уриб турган биринчи космонавт Юрий Гагарин тушиб, Ўзбекистон чодир томон кела бошлади.

— Гагарин келди! Га-га-рин! — деган қичқириқлар бошланди. Булар орасида слётни ёритиш учун борган “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Ёшлар овози”) газетаси махсус мухбири Миршароф Мухсимов ҳам бор эди.

Машҳур космонавт ҳамма билан бирма-бир кўришиб, ҳол-аҳвол сўради.

— Ватан учун, халқ учун ҳамisha тайёр туринглари! — деб самимий тилаклар билдирди. Фурсатдан фойдаланиб, Миршароф ака Гагариндан интервью олди. Сўхбатда шундай сатрлар бор эди: “Шуни маълум қиламанки, ҳатто инсон билан биринчи марта коинотда парвоз қилган “Восток” космик кемасининг мўъжазига кабинасида ўзбек пахтасидан тайёрланган буюмлар ҳам бор эди: жумладан, коинотда Ўзбекистонда етиштирилган пахтадан тўқилган газламадан тикилган ички кийим мени иситиб турди”. Бу илик самимий жумла-ларда ўзбек халқига самимий, чуқур ҳурмат мавж уриб турар эди.

Юрий Гагарин ибн Сино, Абу Райҳон Бериунийнинг авлоди, ўзбек халқининг асл фарзанди, космик парвозларни тайёрлаб, ўтказиш ва фазо тиббиётига камтарона хизмати сингган Абдухалил Мансуров ҳақида (гарчанд унинг исм-шарифини келтирмаган бўлса-да, чунки ўша пайтда унинг номи ҳам бошқалар қатори давлат “сири” ҳисобланарди) шундай деб ёзганди:

“Фазога учишга тайёрлашда ва амалга оширишда бевосита турли миллат вакиллари қатнашган эди. Инсоннинг бепоян коинотга учиб жараёнини ўрганаётган ва бу парвознинг беҳатарлигини таъминлаётган олимлар ва врачлар орасида ўзбек халқининг ажойиб фарзанди, аср куёши Тошкентда туғилиб ўсган тажрибали врач, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, истеъдодли олим ҳам бор”.

Гагарин тилга олиб ўтган истеъдодли олим Абдухалил Мансуров бўлиб чиқди. Миршароф ака у ҳақда “Қалдирғочлар баҳорда учадди” сарлавҳали илмий очерк ёзган эди.

Ўзбек журналисти Миршароф Мухсимов биринчи бўлиб космонавт Гагариндан интервью олганлиги ҳақида кўрсатув ҳам бор.

— Марказкомга бир топшириқ юзасидан борган эдим, — деб эслайди устоз Миршароф ака. — Лифт олдида турган эдим, шу пайт Марказком ходими, Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобиллов мени кўриб қолди. Гаплашиб турсак, кўча эшикдан бўйдор бир киши кириб келди. Телпагини бостириб олган, усти-боши қор. Ташқарида қор бўралаб ёғиб турибди. У киши келиб: “Баротжон, яхшимисиз?” деб қўл олишиб кўришди. Сўнг менга ҳам қўл узатди. Шу пайт лифт очилди. Мен ҳам чикмоқчи эдим, Барот ака: “Чикманг, — деб елкамдан ушлаб қолди. — Бу киши Шароф Рашидов-ку!”

Бу тарихий учрашув Миршароф аканинг хотирасида бир умр муҳрланиб қолди.

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов билан боғлиқ яна бир тари-

хий воқеа ҳақида:

— Бир куни “Совет Ўзбекистони” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) бош муҳаррири Мақсуд Қориев коинотга учирилган газетамизнинг фотонусхасини менга узатар экан: “Буни асраб қўй, бир кун сенга асқатади”, деди. — дея э-лайди Миршароф ака. — Худди ўша кун келди. Шароф Рашидов таваллудининг юз йиллиги арафасида газетда “Коинотда бўлган ўзбек газетаси” сарлавҳали шов-шувга сабаб бўлган мақола босилди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида инсоният тарихида биринчи марта фазога парвоз қилган “Союз-Аполлон” халқаро кемаларини туташтиришга ҳозирлик қўрилаётган бир паллада Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидов ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бир ишнинг ташаббус-кори бўлди. У киши “Союз-19” кемасида “Совет Ўзбекистони” газетасининг самога парвозини уюштиришга эришган эди. Отаҳон газетанинг 1975 йил, 13 июль, 163-сони космосда бўлиб қайтгани ҳақиқат.

Газетанинг ушбу сони Бойкўнгирга — учувчилар Алексей Леонов ва Валерий Кубасовга етказиб берилди.

“Союз” парвози муваффақиятли яқунлан-гач, фазога чиқиб қайтган газета шахсан Шароф Рашидовга топширилди. Космонавтлар Алексей Леонов ва Валерий Кубасов газетанинг биринчи саҳифасига шундай дастхат ёзишган экан:

“Хурматли Шароф Рашидович! Сизга ва Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларга тўққизинчи беш йилликнинг яқунловчи йилида янгидан-янги ютуқлар тилаймиз!

“Союз-19” кемаси борти, 15.07.1975 йил”.

Газетанинг биринчи саҳифаси тепасига эса “газета фазода бўлди” деб ёзиб қўйилган эди. Шароф Рашидовдек буюк инсоннинг матбуотга нақадар эътибори кучли бўлганини ушбу мисол орқали ҳам кўриш мумкин.

Бир куни Мақсуд Қориев ўз хонасига Абдукарим Набижўраев, Муроджон Мансуров, Миршароф Мухсимов, Жўра Саъдуллаевларни чақириб: “Шароф Рашидов бизга масъулиятли топшириқ бердилар. “Ўзбекистон кўриқлари” китобини ёзишимиз керак”, деди.

Ҳамма ишга киришиб кетади. Миршароф Мухсимов Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақида туркум мақолалар тайёрлаши керак эди.

Қаҳратон қишда чўлнинг у томонидан кириб, бу томонидан чиқади. Китобга сўзбошини шахсан Шароф Рашидов ёзиб беради. Бу китоб ҳукумат муқофотига ҳам сазовор бўлади.

Сўзбошида Шароф Рашидов шундай ёзган эди: “Шу ўринда кўриқ ҳақида ёзиш, халқимиз кўрсатган қаҳрамонлиқни қуйлаш, уни таран-нум этиш олижаноб ишдир. Халқимизнинг янги ерларини ўзлаштириш соҳасидаги ишлари ба-мисоли халқ қудратига қўйилган ҳайкалга, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қўшиққа ў-шайди...”

Кези келганда, 80-йилларда ўзбек халқига қилинган яна бир қатагонни эслаш ўринлидир. Бу ҳам бевосита Шароф Рашидов номи билан боғлиқдир. Марказдан жаллод Гдлян, Иванов бошчилигидаги бир гуруҳ десантчилар ташла-нади. Кўчаларимизда қутурган итдек изғиб, хо-надонларга кириб, “пулни чиқар, олтинни чи-қар” дея дағдағига тушдилар.

Қама-қама авжига чиқди. Қанчадан-қанча беғуноҳ одамлар “Московская тишина” қамоқ-хоналарида сўроққа тутилди! “Пахта иши”, “Ўз-бек иши” қанча беғуноҳларнинг бошини еди.

Устоз Миршароф ака шундай хотирлайди:

— Гдлян билан Ивановнинг “Кремлёвские дела” китобини бир неча марта қайта-қайта ўқиб чиққанман. Ўқидим-у тала сочим тикка бўлди. Алҳазар, нималарни ёзмаган — ёқа уш-лайсиз. Улар ўзбек халқини қатагон қилмаган

эмиш. Уларни порахўрлардан ҳимоя қилган-миш. Суддек оппоқмиш. Ё, тавба! Йигирмага яқин обком котиби, йигирмага яқин генерални қамоққа ташлаганини очикдан-очик ёзишадди. Қанчадан-қанча обком, горком котиблари, ге-нераллар ўз жонига қасд қилдилар. Ўзбекис-тон пахта саноати вазири Ваҳобжон Усмонов отишга ҳукм қилинди. У “менинг виждоним пок” деб ўлимга тик боқди. Қанчадан-қанча беғуноҳ юртдошларимизнинг қабрлари ўзга юртларда қолиб кетди.

Бош котиб Горбачёв устидан мамлакатни хонавайрон қилгани учун жиноий иш қўзғатган москвалик прокурор Виктор Илюхин: “Гдлян билан Иванов Ўзбекистоннинг бошига 1937 йилдаги қатагонни солди”, — деганида қанча-лар ҳақ эди.

Бир куни нашриётимиз мажлислар залида матбуот конференцияси ўтказилди. Унда Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги Бош прокурори Бу-турлин бошчилигида Гдлян ва Иванов билан учрашув бўлиб ўтди. Зал журналистлар билан тўла.

Прокурор Бутурлин қисқача нутқи билан му-лоқотни очди. Қирра бурунли, бургутни эсла-тувчи Гдлян, ўсик соқолли, бульдог кучукчани эслатувчи Ивановлар тўрда керилиб ўтири-шарди. Мулоқот қизигандан-қизиди.

Бир вақт олд қаторда ўтирган ёзувчи-журна-лист Хуршид Дўстмуҳаммад даст ўрнидан ту-риб:

— Сизлар қачонгача ўзбек халқини қатагон қиласизлар?! — деб қолди.

Кутилмаган бу саволдан Гдлян билан Ива-нов тиллари қалимга келмай қолди. Сўнг ў-ларига келди, шекилли:

— Биз бу ерга қатагон қилиш учун эмас, ўз-бек халқини порахўрлардан озод қилиш учун келганимиз, — деди Гдлян.

Залда кулги кўтарилди. Хуршид Дўстму-ҳаммад яна лўқма ташлади:

— Порахўрлар, ана, тепада ўтирибди! — деди.

Қараса, иш чаппасига кетмоқда. Бутурлин мулоқотни юмалоқ-ёстик қилиб яқунлаб:

— Бизнинг бошқа жойда ҳам учрашувимиз бор, — деб бошларини этганча шарманда бў-либ залдан чиқиб кетишди.

Қайтар дунё дейдилар. Ўша онкўрларнинг бири тилдан қолди, бирининг қўзи ғилай бўлиб қолди. Бири яқмамохов бўлиб, одамлар унга дуч келса, тескари қараб ўтадиган бўлди.

Устозни тинглаб ўтирибман-у, ўша йиллар-даги воқеалар, аянки тақдирлар бир-бир кўз ўнгимдан ўтади.

Устоз Миршароф ака россиялик машҳур журналист Аграновскийнинг илмий очерклар-ини мунтазам ўқиб борарди. Бир куни бўлим мудири Ўктам Усмоновга:

— Келинг, биз ҳам ўзбек журналистикасига илмий очерк жанрини олиб қирайлик, — деди.

Бу гоёни ўша вақтдаги “Совет Ўзбекистони” газетасининг бош муҳаррири Мақсуд Қориев ҳам маъқуллайди. Шундай қилиб, “Йўл юрса ҳам мўл юрди...” дастлабки илмий очерк пайдо бўлади.

...Норкул Эшназаровнинг бир оёғи тоғу тошда, бир оёғи лабораторияда деган эъти-рофни ўқиган Норкул ака: “Бўри билан геол-огни оёғи боқадди”, — деб ҳазиллашадди.

Олим дунё палеонтологиясида топилма қолдиқлари жадвалига “Эшназаров номи би-лан” киритилди.

Шундай қилиб, ўзбек журналистикасида янги жанр — илмий очерк кашф этилди. Про-фессор Очил Тоғаев илмий очерк ўзбек журна-листикасини янги жанр билан бойитди, деган бўлса, атоқли адиб Одил Ёқубов: “Илмий очерк ўзбек журналистикасида катта янгилик бўлди”, — деганди.



Бир куни Миршароф ака Мақсуд Қориевнинг ҳузурига кириб, таниқли жарроҳ Восит Вохи-дов ҳақида мақола ёзмоқчилигини айтди.

Шунда Мақсуд ака:

— Бу олим журналистларни олдиға яқин-лаштирмайди деган гапни эшитганман. Қанақа бўларкан? Майли, бир уриниб кўринг, — деб розилик беради.

Ўзбекистонда ҳам туғма ва орттирилган юрак пороглари операциялари ўтказилаётган эди. Нега шу ҳақда ёзмаслик керак?

1960 йил июнь ойда машҳур жарроҳ про-фессор Ю.Н.Мешалкин Тошкентдаги тез ёр-дам институти клиникасида оғир юрак касал-лигига учраган 15 кишини операция қилади.

Ўшанда доцентлардан В.Вохидов, С.Аъ-замхўжаев ва бошқалар операцияда иштирок этишган эди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёда илк бор юрак операцияси муваффақиятли ўтказилади.

Ана шундан кейин жарроҳ Восит Вохидов мустақил операциялар ўтказишга бел боғлади. Юзлаб беморларни ҳаётга қайтарди.

Академик Вохидов шогирдларига доим: “Жарроҳ мерган каби — адашишга ҳаққи йўқ”, — деб таъкидлар экан.

Миршароф ака олимнинг ҳузурига йўл олади.

Жарроҳ операцияда экан, бироз кутади. Жарроҳ бироз топиққан кўринарди, у Миршароф акани совуқина кутиб олади. Мақсадни англагач: “Мен ёзишга арзийдиган иш қилга-ним йўқ”, деб рад жавобини беради. Миршароф ака куруқ қўл билан қайтишни истамайди, жарроҳнинг шогирди Эркин Ислombeковдан баъзи кераклик маълумотларни олиб, уйга қай-тади ва мақолани ёзишга ўтиради.

Бир ҳафта ўтгач, мақола нусхасини олиб бо-ради.

— Яна келдингизми? — деди Восит ака.

— Мақоламни кўриб берсангиз, — дейди Миршароф ака.

— Мен билан гаплашмай туриб қандай ма-қола ёздирдинг? Майли, кўриб қўяман, олиб ке-тарсиз, — деди олим.

Бир неча кундан сўнг Миршароф ака яна бо-ради.

— Ўқиб чиқдим, маъқул, бироқ исми-шари-фим кўпайиб кетибди, битта жойида қолдир-сангиз майли, қолган жойида профессорми, олимми деб кўярсиз.

“Кафтдаги юрак” сарлавҳали илмий очерки босиб чиқарилган куни касбдошлар табрикла-шар экан: “Қандай эришдингиз?” деб хайрат-ланишадди.

Топширилган ишни қиёмига етказиб ба-жариш устозга хос фазилат. Унинг “Кафтдаги юрак”, “Қалдирғочлар баҳорда учадди”, “Жаво-хирлар сандиги” сингари илмий очерклари, ай-никса, интилангидан яққол далолатдир.

Журналистик ҳам, тадқиқотчилик ҳам осон иш эмас. Асалнинг шифобахшиликка бағиш-ланган “Минг бир дард давоси” сарлавҳали очерк (1976 йил) профессор Саломат Йўлдо-шевага бағишланган эди.

Ўшанда олима мақолани ўқиб чиқиб, унинг тағига шундай деб ёзиб қўйган экан: “Уртоқ Мухсимовнинг мақоласи илм-фан нуқтаи назаридан замон талабларига тўла жавоб беради.

Республикаимизда асаларичиликни ривожлан-тиришнинг муаммолари тўғрисидаги мулоҳа-залари гоёат қимматлидир. Профессор С.Йўл-дошева”.

Устознинг ҳаёти адабиёт ичида, китоблар ичида. Қачон қараманг, қўлларидан китоб туш-майди. Тўқсонни қоралаб қўйган бўлса-да, ҳа-мон кўзойнаксиз ўқийди.

“Авлодлар қиссаси”, “Ҳаёт баҳори”, “Алло-малар”, “Ўзбекистон юлдузлари”, “Ўзбекистон кўриқлари” китоблари ҳаммуаллифи.

Миршароф Мухсимов қайси мавзуда қалам тебратмасин, тасвирламоқчи бўлган қаҳрамон ёки воқеани ҳар тарафлама пухта ўрганарди ва янгила талқин этарди, бу эса у ёзган очерк-ларнинг бадий бўлишини таъминлаган, ал-батта. Унинг космонавтика медицинаси бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган профессор Абдухалил Мансуров ҳақида ёзган “Қалдирғоч-лар баҳорда учадди” ва ғўза радиобиологияси фани билимдони, профессор Набижон Наза-ров ҳақидаги очеркларига олимлар қиёфаси очиб берилган. “АН-401 парвози” ҳақидаги Александр Матрасов жасоратини тақдорлаган фарғоналик Карим Султонов тўғрисидаги “Ўт эди, олов эди” очерки ҳам оғизга тушганди.

Ўзим шохид бўлган бир дўстлиқни айтиб ўт-моқчиман. Миршароф ака элимизнинг суякли адиби, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ори-пов билан қалин дўст эди.

Улар елкани елкага қўйиб дардлашарди. Дўстларнинг суҳбати тугамасди, охири кў-ринмас эди.

Абдулла Орипов вафот этганида қаттиқ қай-ғуга ботди.

Устоз Миршароф акани яна бир қайғу ҳамон қийнаб келади. Турмуш ўртоғи Мақсуда Раҳим-боева жуда ёш ҳаётдан кўз юмди. Гарчи, кўр-сатмаган шифокорлари қолмади. Орттирил-ган юрак пороғи, унинг устига, жигар хасталиги ҳаётдан олиб кетди.

Устознинг шундай шеърый сатрлари бор:

*Ўзимни қўярга жой тополмайман,
Қўйгани куйлашга қўй тополмайман.
Ўйимни ўйлашга ўй тополмайман,
Юлдузчи осмонда ой тополмайман.
Эҳ, менинг оймни ким олиб кетди?
Бағримдан гулимни ким олиб кетди?*

Оилага садоқатни устоздан ўрганиш керак, бошқа уйланмади. Ҳамма нарсадан кўра фар-зандларини устун қўрди. Шунинг учун улар оталарининг иссиқ-сувигидан ҳамisha хабар олишадди. Бугунги кунда Миршароф ака беш неварга, саккиз эваранинг табаррук бобоси!..

Катта қизи Нодира Алиева нафақада, кичик қизи Дипфуза Мухсимова Бектемирдаги оила-вий поликлиниканинг бош шифокори.

Ҳаёт гаштини сураётган устоз тўқсонга ки-риб қўйибди. Ота-онаси ирим қилиб, 105 ёшли Миршароф бобоси каби узоқ умр кўрсин деб Миршароф исмини қўйишган экан. Шундай бўлсин, устоз юзлардан ошиб юрсинлар, дея ният қиламиз.

Мурод АВЕЗОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

ТАЛҚИН

“СУНЪИЙ”НИ “ТАБИЙИЙ”ДАН
АЖРАТИШ ЗАРУРАТИ

Замонавий медиамаконни сунъий интеллект технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Таъкидлаш жоизки, бир неча сония ичида катта ҳажмдаги ахборотни яратиш имконияти журналистика тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Шу билан бир қаторда, муаммоларни ҳам вужудга келтирди.

Сўнгги вақтларда генерация қилинган мате-риаллар медиада урчиб кетди. Алапхусус, ижтимо-ий тармоқларда, блогларда, баъзан расмий платформаларда ҳам сунъий интеллект ёрдамида битилган хабарларга кўзимиз тушапти.

Медиасаводхонликдан беҳабар киши уларни журналистлар тайёрлаган деб ўйлайди. Ваҳо-ланки, сунъий идрок қаламига мансуб “ижод” на-мунасини фош этувчи бир неча усуллар мавжуд. Куйида улардан бири ҳақида.

Авалло, сунъий интеллект ҳаддан ташқари “силлиқ” ва бир текисда ўқиладиган матнларни яратади. Гаплар грамматик жиҳатдан деярли хато-ликларсиз ёзилади, фикрлар изчил равишда баён этилади. Абзацлар ҳажми, сўзлар миқдори ҳам уй-ғунлик ҳосил қилади (!). Индивидуал услуб, эмо-

ционаллик етишмайди. Бир сўз билан айтганда, материал “жонли” чиқмайди.

Сунъий интеллект аксар ҳолларда мавзуну умумий таърифлар асосида очиб беради. Жумладан, “технологиялар ривожланмоқда”, “жамиятга таъ-сири катта” каби расмийроқ, шаблонсифат жумла-ларни ишлатади. Конкрет мисоллар, шахсий куза-тув ёки муаллиф позициясини қидириб ҳам топол-майсиз.

Кўллаб генератив материалларда ўқувчининг хис-туйғулари билан ҳисоблашилмайди. Ахборот етказилади, лекин аудиторияни ушлаб турувчи, охиригача ўқишга қорловчи унсурлар манама-н деб бўй чўзиб турмайди. Публицист эса сўз орқали ўқувчига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Кайфият улашади. Муносабатни шакллантиради.

Ақлли кўмакчи кўп ҳолларда мавжуд бўлмаган статистик маълумот, нотўғри сана ёки уйдирма манбаларни тақдим этади. Бу ҳолат “галлюцина-ция” деб аталади. Шу боисдан ҳам СИ ёрдамида тайёрланган ҳар қандай контентни текшириш, факт-чекнингдан ўтказиш даркор.

Бугунги кунда СИ орқали ёзилган матн-ларни аниқловчи турли сервислар ишга туши-

рилган. Улардан бири — ўзбек тилида ишловчи “Detecting-ai.com” платформаси. Шунингдек, “GPT Zero” ёки “ZeroGPT” сингари воситалар ҳам матннинг генеративлик эҳтимолини аниқлашга хизмат қилади. Матннинг қайси қисми сунъий интеллект, қайси қисми инсон томонидан ёзил-ганини таҳлил қилади. Бироқ юз фоиз тўлиқ ва тўғри натижа чиқара олмаглигини ҳам унутмас-лик керак.

Ҳар қандай матнга танқидий нуқтаи назар билан қарашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Ўқувчи ман-бани текшириши, фактларни солиштириши ва ёзи-лиш услубига диққат қилиши даркор. Чунки сунъий интеллект имкониятлари кенгайиши баробарида ахборотнинг ишончлилик масаласи кун тартибига чиқмоқда.

Зеро, “сунъий” ва “табиий” матнларни фарқ-лашда “Сифатлироқ инструмент — одам ва унинг тажрибаси” ҳисобланади.

Ўлугбек ШАРОБИДИНОВ,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети
талабаси.



МАШИНАСИ БОР ОДАМ БОЙМИ?..

ёки шахсий автомобилга тобелик қатор ижтимоий муаммоларни келтириб чиқараётгани хусусида

Аҳоли ўртасида шахсий транспорт воситаларига бўлган эҳтиёж йил сайин ошиб бормоқда. Масаланинг чигал томони шундаки, автомобиль харид қилувчилар сафининг кенгайиши фақат аҳоли даромадларининг ошиши ҳисобига эмас, балки автокредит, лизинг, “выкупка” ёки бошқа шартлар асосида амалга оширилмоқда. Автомобиль сотиб олишга қурб етмайдиган, лекин хоҳиши бор одамлар автокредитнинг аччиқ “таъми”ни татиб қўрач, пушаймон бўлишадигани ҳам айни ҳақиқат. Ваҳоланки, ҳою ҳавас учун енгил машина харид қилиш ўрнига мавжуд маблағ оила даромадини оширадиган лойиҳаларга сарфланса, нур устига нур бўларди.

ЕНГИЛ МАШИНА ҲАМ БИР РЎЗГОР

Ростдан ҳам, енгил автомобиль қўлай транспорт воситаси эканини инкор эта olmayмиз. Оила оғирини енгил, узогини яқин қилишда ундан ўтадигани йўқ. “Узингда бўлганига нима етсин!” дейди баъзилар. Бу яхши. Аммо бугун пули бор ҳам, йўқ ҳам машина ишқибози. Кўчадан утган машинага ҳавас қилади. “Қанийди, менинг ҳам шундай чиройли автомобилим бўлса эди!”. Ҳатто кредитга олиб, қарзга ботганлар, рўзгорини боқишга қийналиб қолганлар қанча! Аслида, автомобилни рўзгоридан орттириб, қўшимча пули бор одам олса, ярашади. Дарвоза ичкарида яп-янги қимматбаҳо автомобиль турса-ю, бола-чақанинг ичгани ёвгон нарса бўлса, бундай ҳаётга ҳавас қилиш мумкинми? Тўғри, автомобилни қира қилиб, оила боқиш учун сотиб олаётган ёки ижарага йўловчи ташиб юрганлар ҳам истганча топилади. Баъзилари толганини жаримага тўлаб, чой-чақага ҳам арзимайдиган пул ишлаётгани ҳам рост.

Ҳозир қишлоқ ёки овулларга борсангиз, автомобил йўқ хонадонни топиш амримаҳол. Камбағал-даям, бойдаям, бева-бечорадаям бир улов бор. Баъзи оилалар умр бўйи боши автокредитдан чиқмайди. “Шу сабилни нега олдим?” деб пушаймон бўлади. Сунги пушаймон эса ўзиниға душман деб бежиз айтмаган. Автомобиль рўзгорга шодлик эмас, кулфат келтирса, уни деб еган-ичганинда, яшашингда ҳаловат бўлмаса, кимга кераги бор бу даҳмазани, дегувчилар ҳам жуда кўп.

Бир пайтлар Ўзбекистон автомобиль саноати ривожланган мамлакатга айланади, келгусида ҳар бир хонадонда шахсий машина бўлади, деб минбарларда бонг урилган эди. Ушанда автомобиль кўпайиб, кўчаларга сўғма қолиши, тирбандлик қундалик ҳаётимизга салбий таъсир ўтказиши, ундан чиқаётган зарарли газ экологияни ифлослантириши ҳақида ўйлаб қўрмаган эканмизми? Ишгаям, бозор-учаргаям, саёхатга ҳам автомобилда борилса, тирбандлик авж олаверадиде. Энг ёмони, баъзи одамлар жамоат транспортда юришни ўзи учун “ор” деб билади. Чунки унинг қўша-қўша автомобили бор, бой-да. Ўғё экологик инқироз, тирбандлик ёки автохалокатлар унга тегишли эмасдек. Ҳамма нарсани пул ёки таниш-билишчилик билан ҳал қиламан, дейди-да. Шундай одамлар касрига бугун ҳаётимизда муаммолар кўпайиб бормоқда.

Рўзгоридан орттирган қўшимча маблағ бўлмаса-да, қарзга автомобиль сотиб олишга интилаётган одамларни у қадар оқлай olmayмиз. Халқимизда енгил машина ҳам битта рўзгор, деган гап бор. Шунинг ўрнига қишлоқ аҳолиси учун зарур бўлган маҳсулотни қайта ишлайдиган мини-цеҳ ёки кичик иш-лаб чиқариш корхонаси очса, элу юртга нафи кўпроқ тегади, рўзгори баёд-шоёя бўлади. Маблағи кўпай-гач, ана ундан кейин автомобилнинг зўридан ҳарид қилса ҳам ярашади. Ахир, кредит совға ёки эҳсон эмас, балки мажбуриятдир. Кредитнинг ўзини-ку қайтарасиз, фоизиниям банк қуртдаги санаб олади. Худди оёғига тушов урилган одамга ўхшайсиз. Қарз-дан қутулгунча силлангиз қуриб кетади. Автомобил-нинг харажатларини айтмайсизми? Бугун бу ерида ишқал чиқса, эртага мой алмаштириш, кейин гилди-

ракларни янгилаш, хуллас, бир жойдан “томиб” турадиган пул бўлмаса, оддийгина одам автомобилни эплаб миана олмайди.

ЗИЁФАТИ ОШИБ ТУШДИ

Қишлоқда бир йигит хорижда ишлаб келиб, автокредитга яп-янги қимматбаҳо автомобиль олди. “Барака топсин, зўр ишлаб келибди, йигитнинг султони шундай бўлади-да”, дейишди қўшнилар тилёғлама-лик қилишиб. Унинг рафиқасининг оғзи қўлоғида, дугоналарининг кўзини ўйнатиб, роса кифтини келтириб мақтанганини, ўғли эса синфдошларига “ас-лида, бу автомобиль меники” дея дунёларга сўғма йўганини айтмайсизми? Хуллас, янги автомобилни “ювиш”га биз ҳам бордик. Бойваччаларникидек безатилган дастурхондаги ноз-неъматлар, ичимликларни қўриб, ақл шошади. Шунча харажат нимага керак деб ҳаёлдан ўтказасиз. Хорижда ишлаб, яхши пул толган бўлса, ҳаммасини кўкка совуриш керакми? Ўзи камбағалгина йигит бўлса, қўлига беш-тўрт сўм тушиб қолиб, ўзида йўқ хурсандчилигини қаранг, деб ўйлаб тургандик. Худди фикримизни уққан-дек, елкамизга қўлларни қўйиб: “Тога, бу дунёда яшаб қолиш керак, одамлар менинг кимлигимни қўриб қўй-син, энди мен бойваччаман!” дея муштларини кўс-сига урди. Индамадик, нима ҳам деймиз, шу пайтда унга гап уқтириб бўладими? Ҳасад қилаяпти, деган фикрга бориши ҳам мумкин-да. Ичимиздагини таш-мизга чиқармадик, “мошин буюрсин, яхши кўнларда мингин” деб дуо қилиб, уйга қайтдик.

Бойвачча укаимиз янги автомобилни бир ҳафтаям мингани йўқ. Автокредитни тўлаш учун хорижга ишга жўнаб кетди. Анча йиллардан бўён чанг босиб ётган бу қимматбаҳо машинага эмас, хонадон бекасига, икки ўғил, уч қизига раҳимимиз келди. Хориждан кел-аётган пулни автомобиль ямламай “ютаяпти”. Аёл-нинг аҳволига ҳавас қилиб бўлмайди. У қўни-қўшни-ларнинг кир-чирини ювиб, оила тебратишга мажбур. Автомобиль эса фақат у йигитнинг хорижда яхши ишлаб келганига “далил” вазифасини ўтаяпти, хо-лос.

ТИРБАНДЛИК — “ЗАНЖИРБАНДЛИК”

Ана шундай муаммолар мавжуд бўлса-да, авто-мобилга тобелик тўхтамаяпти. Қаердадир бир йи-рик анжуман бўлаётган бўлса, албатта, ўша жойда тирбандлик юзага келади. Тўй ёки бошқа издиҳом-лар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Енгил машина орасидан жой топиб юришининг ҳам имкони бўлмай қолади. Меҳмонга 10 нафар киши айтилган бўлса, улар камид 8-9 та енгил машинада келади. Авто-мобиль кўпчилигидан шаҳарда одамлар эмин-эркин сайр қила олмайди. Ҳатто пиёдалар юрадиган йў-лакларга ҳам автомобиль қўйляпти. Йўловчилар асфальт йўлда юришга мажбур бўлишмоқда. Тирбандликлар фақат Тошкент шаҳрида эмас, вилоятларда ҳам йўл ҳаракати маромини сусай-тиришда давом этмоқда. Кошки эди, фақат йўл ҳа-ракати маромини сусайтирса. Тирбандлик бу “зан-жирбандлик”. Чунки маълум муддат сизнинг гўёки қўл-оёғингиз занжирбанд қилингандек. Унинг устига мотор ишлаб, зарарли газ чиқариб турибди. Қанча-дан-қанча ишу юмушлар бажарилмай қолаяпти. Иқти-содиётга, ижтимоий ҳаётга катта зарар етмоқда.

Шу ўринда бир мисол: Германияда кўпинча катта бозорлик қилиш учун ёки шаҳардан ташқарига чи-қиш тўғри келгандагина енгил автомобилдан фойда-ланишади. Бу ерда аҳоли, асосан, жамоат транспор-тида ёки велосипедда юришади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, одамлар ишга, асосан, велосипедда кели-шади. Фақат шанба кўни бозорлик қилиш ва яқшанба дам олиш учун бирор ерга бориш мақсадида шахсий автомобиль рулига ўтиради. Аҳоли шаҳар ичига иложи борича автомобилда қирсаланидан. Бу улар-нинг экологик маданияти кирилганидан далолат беради. Шунинг учун ҳам Германиядаги шаҳарлар озода ва экологик жиҳатдан ҳам мусоффо. Тошкент ҳавосининг тобора ифлосланиб, дунёда юқори ўрин-

ларга кўтарилаётганига ўзимиз сабабчи бўлаётгани-мизни бир ўйлаб кўрсак, фойдадан холи бўлмасди.

Дарвоқе, мамлакатимизда автохалокатлар сони ҳам ошиб борапти. Бу ҳам автомобилсизлаштириш ўта муҳим масала эканидан далолат бермоқда. Ша-ҳарда ҳаракатланувчи автомобиллар сони камайса, жамиятда ижтимоий, хавфсизлик ва саломатлик даражаси яхшиланади. Ахир шахримиз ҳавоси му-саффо, йўлларимиз беҳатар ва беҳавотир бўлса, кайфиятимиз ҳам юқори, иш унуми ҳам баланд бў-лади.

СОҒЛОМ ШАҲАР ВЕЛОСИПЕДЛАР БИЛАН ҚУРИЛАДИ

Сиз велосипедда ишга боришингиз мумкинми? Йўқ, албатта! Қимматбаҳо автомобилнингиз турганда қийналиб велосипед миниб юрасизми? Қолаверса, бу сизнинг обрўйингизга тўғри келмайди, шундайми? Қолаверса, автомобил бор одамларнинг аксария-тида велосипед йўқ. Чунки улар бу транспорт воси-тасига эҳтиёж йўқ, деб ҳисоблашади. Нега унда Гер-маниядек ривожланган давлатда аҳолининг камида 77 фоизи йил давомида велосипеддан фойдала-нади. Ёки Берлинда шаҳар аҳолисининг камида 25 фоизи велосипедни асосий транспорт воситаси си-фатида танлаган ва сўнгги ўн йилда велосипедчи-ларнинг улуши доимий равишда ортиб бормоқда.

Нидерландия аҳолиси велосипедда кўнига ўр-тача 2, 6 километр йўл босади. Олимларнинг ҳи-соб-китобларига кўра, агар бутун дунё бўйлаб ве-лосипедда ҳаракатланиш татбиқ этилса, атмосфе-рага йиллик қарбон диоксиди ажралмаса 686 млн. тоннага камаяр экан. Бу ҳажм кўпгина мамлакатлар, жумладан, Буюк Британия, Канада, Саудия Араби-стони ва Австралининг умумий CO2 эмиссиясидан ортқидир.

Шифокорлар маълумотларига кўра, велосипед энг аввало инсон саломатлиги учун фойдали улов ҳисобланади. Уни бошқариш — юрак-қон томир ти-зимини машқ қилдиради, суяк ва мушаклар мустаҳ-камланади. Ортиқча вазн, диабет ва бошқа сурун-кали хасталиклар хавфи камаяди. Ҳар кўни ишга велосипедда борадиган кишиларда саратон касал-лигига чалиниш 45 фоизга, юрак-қон томир касал-ликлари хавфи эса 46 фоизга камайиши ўрганиб чи-қилган.

Дунёдаги ривожланган давлатларга эътибор қа-ратадиган бўлсангиз, уларнинг асосий транспорт воситаси — жамоат транспорти ёки велосипеддир. Бошқа мамлакатларда аҳоли мобиллашадиган бир вақтда Ўзбекистон автомобиллар мамлаката бўлиб қолмаслиги зарур. Аҳолига велосипеддан фойдала-ниши учун қўлай инфратузилма яратилиши, тарғи-бот ишлари олиб борилиши лозим.

Афсуски, бу борадаги саъй-ҳаракатлар билан мақтана olmayмиз. Тўғри, велосипед учун йўлақлар бор. Аммо улар жуда кам. Бир маҳалладан иккин-чисига автомобиль йўлини ёки пиёдалар йўлақлари орқали ўтишга тўғри келади. Масалан, пойтахтимиз-нинг катта қисмини велосипед орқали босиб ўтиш учун қўлай инфратузилма яратилмаган. Бу эса вело-сипедни шаҳарда асосий транспорт воситаси сифа-тида фойдаланишга имкон бермайди.

Пойтахтимизда велосипед билан қилинадиган саёхатлар кўпайтирилса, автомобилдан фойдала-ниш даражаси кескин қисқаради. Тадқиқотлардан шу нарса маълумки, велосипеддан фойдаланиш улушини ошириш йиллик глобал иқлим ўзгаришини юмшатиш учун йўналтириладиган маблағларни те-жашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳаёо сифатининг яхшиланиши соғлиқни сақлаш харажатларини ҳам камайтириб, касаллик туфайли иш кўнлари йўқоти-лишининг олдини оларди бўларди.

Фахриддин БОЗОРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

НОМИ ҲАМ, ҚИСМАТИ ҲАМ ҚОРА БЎЛДИ

Тун алламаҳал. Теварак-атроф жимжит. Ҳатто, ақиллаб юрадиган ит-лар ҳам сукутга чўмган.

Шеркул қора кийимларини кийиб, бошига шапкасини бостиради-да, секин ташқи дарвозани очиб, кўчага чиқди. Аввалдан режалаштирган ишини амалга ошириш пайти келган эди.

Шеркул ўзи кўзлаган хонадонни анча вақт зимдан кузатган: ким қачон ишга кетади, ким уйда қолади, барчасини синчиклаб ўрганганди. Уй эгалари савдо-сотик билан шуғулланиши, уйда катта маблағ сақланишини ҳам яхши биларди.

Бир кўни нарса харид қилиш баҳонасида уйга кириб чиққан чоғида пул сақланадиган жойни ҳам кўриб олганди.

Ўша тунда у симёғоч орқали девор ошиб ҳовлига тушди. Орқа томон-даги ойнани махсус очқич билан очиб, хона ичига кирди. Телефон ёруғида атрофни кузатиб, аввалдан кўзлаб қўйган сандиқчани очди. Пачка-пачка пулларни сумкасига жойлади. Бир неча қимматбаҳо матоларни ҳам олиб чиқди. Из қолдирмаслик учун у ойнани аввалги ҳолатига келтириб қўйди.

Эртаси кўни Эргашбойнинг уйида ўғрилиқ бўлгани маҳаллага овоза бўлди.

Орадан ҳафталар ўтди. Шеркул ўғирланган матолардан бирини таниши орқали бозорда соттирди.

Матони сотиб олган аёлни тасодифан Эргашбойнинг хотини кўриб қолди. Ўз молини таниб, сотувчини суриштириб боргач, Шеркулнинг сири очила бошлади.

Ички ишлар ходимлари унинг уйини тинтув қилганида қора чемодан ичи-дан пачка-пачка пуллар топилди. Ўғирлик содир этилган ҳовли орқасидаги оёқ излари ҳам Шеркулнинг пойабзалига мос келди.

У биринчи марта судланиб, йигирма ёшида саккиз йилга озодликдан маҳ-рум этилди.

Қамоқ ҳаммани ҳам тарбия қилолмас экан. Озодликка чиққач, яна ўғри-лик қилиб, қамалди. Кейин талончилик қилиб, яна жазога тортилди.

Йиллар ўтди. Илгариги ёш ўғри энди “ўғриларнинг зўри” деган ном чиқа-риб, жиноят ботқоғига ботди.

Қирқ ёшга яқинлашганда Шеркул озодликка чиқди. У гўё ҳаётини ўзгар-тирмоқчидай қўринарди. Россияга бориб ишлаб келди. Уйини таъмирлаш, оила қуриш ҳақида ўйлаб бошлади. Танишлари орқали Нигора исмли аёл билан танишиб, шаръий никоҳ асосида яшай бошлади. Бироқ унинг вужу-дида нафс балоси ҳалиям тинчлик бермасди.

Шеркул уйда таъмир ишларини бошлаб, ҳовлидаги молхона ортидан икки метрлик чуқур қазирди. У ер муҳиш жиноятни яшириш учун аввалдан тайёрланганди. Шеркул валюта айирбошловчи Хуррам Ўроқов билан тани-ш, аввал оз миқдорда доллар майдалаб, унинг ишончига қиради. Кейин каттароқ сумма баҳонасида долларфурушни уйига чақиради.

Хуррам икки минг АҚШ долларини сўмга айирбошлаб мўмай даромад қи-лиш илжинида Шеркулнинг уйига келди.

Улар пул курси борасида келишолмай, тортишув бошланди.

Хуррам гилам устида пул санаб ўралган мурда топилди. Шеркулнинг қи-чиб, олдиндан тайёрлаб қўйилган ёғоч билан орқадан Хуррамнинг бошига зарба беради.

Зарба кучидан у гилам устига йиқилади. Аммо Шеркул қўлидаги ёғоч би-лан уни аёвсиз уриб, ваҳшийларча ўлддиради. Пулларни йиғиштириб олгач, жасадини гиламга ўраб, қазилган чуқурга ташлайди. Ёғочни ҳам шу ерга қў-мади.

Эртаси кўни мардикор қақариб, чуқурга шағал тўктириб, цемент қуйдириб қотиллик изини “йўқотад”и.

Хуррам Ўроқовнинг бедарак йўқолиши ҳаммани оёққа турғазди. Кузатув камералари, гувоҳларнинг қўрсатмалари, телефон алоқалари — барчаси бир нуқтага, Шеркула олиб келарди.

Тинтув вақтида молхона ёнидаги янги цементланган жой терговчилар диққатини тортди. Холислар иштирокида у ер қовланди. Телефон гилофи, қонга беланган ёғоч ва гиламга ўралган мурда топилди. Суд-тиббий экспе-ртизаси Хуррам Ўроқов шафқатсизларча ўлдирилганини тасдиқлади.

Суд Шеркул Тўхтаевни узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо-сига ҳукм қилди. У яна темир панжара ортига қайтди.

Жиноят ҳар доим инсонга бахтсизлик олиб келади. Нафс ва енгил бой-лик илжинида қилинган оқибат инсонни хорлик ва ҳалокат сари етаклайди. Шеркулнинг номи ҳам, қисмати ҳам қора бўлди. Афсуски, у жиноят ортидан жиноят қилиб, нафақат ўз умрини, балки бошқаларнинг ҳам ҳаётини барбод қилди.

Тўлқин АБДУРАИМОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Шўри туман суди рас-
си, Чори ҚОРАҚУЛОВ,
суд маслаҳатчиси.

ФАРЗАНДИНИ “УНУТГАН” ОТА

Ҳар бир ёш оила қуриб, янги ҳаётга қадам қўяр экан, аввало, тур-муши ширин ва бахтли бўлишни истади. Бирок қуруқ истакнинг ўзи етарли эмас. Чунки оила деб аталмиш бўстонда ҳаёт бир текис кет-майди. Бу эса эр ва хотиндан сабр-тоқатли бўлишни, аҳиллиқни талаб этади. Йўқса, арзимаган гап-сўзлар, келишмовчиликлар муносабат-ларни емириши, ҳаётни боши берк кўчага олиб кириши мумкин.

Х.Қ. ширин орзу ниятлар билан А.С. га уйланади. Орадан йиллар ўтиб, ўғилли бўлишди, аммо фарзанд туғилиши оила ришталарини мустаҳкамлай олмади. Рўзгордаги майда-чуйда гап-сўзлар бора-бора оиланинг барбод бў-лишига олиб келди.

Энг ёмони, эр фарзандини унутди. Таъминоти билан ҳам қизикмайди. Қийин аҳволда қолган она алимент ундириш мақсадида судга мурожаат қи-лади. Фўқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг буйруғи би-лан Х.Қ. га вояга етмаган фарзанди учун ҳар ойда даромадининг тўртдан бир қисми миқдорда алимент ундириш тўғрисида буйруқ чиқарилади. Аммо ота суднинг буйруғини бажармаган. Х.Қ. суд ижрочилари томонидан вояга ет-маган фарзандига алимент тўлаши шартлиги тўғрисида бир неча бор огоҳ-лантирилган. Лекин яна у фарзанди моддий таъминотиға эътиборсиз қараб, суд буйруғини бажармаганлиги учун отага нисбатан ҳужжатлар тегишли тар-тибда расмийлаштирилиб, судга ўтказилди. Х.Қ. га суд томонидан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган. Ота суд томонидан фарзанди учун мажбурий ундирилиши керак бўлган 23.976.516 сўм миқдордаги алиментни тўлашдан қасддан бўйин товланган. Турли баҳона билан фарзанди таъ-миноти учун белгиланган суммани беришни истамаган. Дастлаб маъмурий жавобгарликка тортилиб, кетма-кет огоҳлантиришлардан тегишли хулоса чиқармаганлиги сабабли отага нисбатан маҳрум этилди. Шунингдек, судланувчи-дан фарзанди оиди фойдасига 11.011.180 сўм ундириш белгиланди.

Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ ота-она вояга етмаган бола-ларга таъминот бериши шартлиги, агарда ота-она таъминот бериш мажбу-риятини ихтиёрий равишда бажармаса, суднинг ҳал қилув қарорига ёки буй-руғига асосан алимент ундирилиши белгиланган. Қолаверса, жиний ҳазо олган жавобгар ота фарзандлари олдидаги мажбуриятларидан озод қилин-майди.

Ҳаётда баъзида ана шундай нохуш ҳолатлар учраб турганлиги афсусла-нарлидир. Ўз фарзандлари тақдирига бу қадар бефарқ қарайдиган оталар-нинг учраб туриши кеңирилмайдиган ҳолат. Ундайларга нисбатан қонунчи-ликда қатъий жавобгарлик чоралари мавжуд.

Зеро, оила жамиятнинг кичик бир бўлаги ҳисобланиб, унинг мустаҳ-камлиги юртинг келажагини белгилловчи омилдир. Шундай экан, оила бу-тунлигини сақлаш ва фарзандлар таълим-тарбиясига ҳар бир ота-она масъул эканлигини унутмаслик керак.

Жаффар ҚУРБАНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман
судининг тергов судьяси.



ФАОЛИЯТ

ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИЯ УЙЎУНЛИГИ

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнология университетининг
Нукус филиали тажрибаси хусусида

Мамлакатимизда ветеринария ва чорвачилик соҳасида малакали, рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнология университетининг Нукус филиали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 ноябрдаги 926-сонли қарори асосида ташкил этилиб, кейинчалик Президентимизнинг 2022 йил 31 мартдаги “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ янги босқичда ривожланишини давом эттирди.

Дастлабки йилларда 4 та таълим йўналиши бўйича жами 40 нафар талаба тахсил олган бўлса, бугунги кунда 16 та таълим йўналиши ва 6 та магистратура мутахассислиги бўйича 1000 нафардан зиёд талаба сифатли таълим олмақда. Бу кўрсаткичлар филиалнинг таълим имкониятлари кенгайиб бораётганини яққол кўрсатади.

Илмий-педагогик салоҳият ҳам сезиларли даражада ўсди. Дастлабки йилларда илмий салоҳият 32 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 54 фоизга етган. Профессор-ўқитувчилар сони 10 нафардан 58 нафарга кўпайиб, улар орасида ёш олимлар сони ҳам ортиб бормоқда.

Филиалда олий таълимдан кейинги таълим тизими ҳам изчил ривожланиб келмоқда. Агар 2021-2023 йилларда жами 3 нафар таянч докторант илмий тадқиқот олиб борган бўлса, бугунги кунда 23 нафар докторант ва тадқиқотчи илмий ишлар билан шуғулланмоқда. Сўнгги йилларда “PhD” ва “DSc” даражаларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам сезиларли натижаларга эришилди. Хусусан, 2024 йилда 5 нафар профессор-ўқитувчи ва тадқиқотчилар фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини муваффақиятли ҳимоя қилган бўлса, 2025 йилда 8 нафар фалсафа доктори (PhD) ва 2 нафар фан доктори (DSc) диссертация ишларини муваффақиятли ёқлади. Жорий йилда ветеринария ва қишлоқ хўжалиги бў-



йича 6 та фалсафа доктори (PhD) ва 1 та фан доктори (DSc) диссертация ишларини ҳимоя қилиш режалаштирилган.

Илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича республика ва халқаро миқёсда мақолалар, монографиялар, дарсликлар ва методик қўлланмалар сони кескин ошди. Шу билан бирга, “Scopus” ва “Web of Science” базала-

рида эълон қилинган илмий мақолалар сони ҳам кўпайиб бормоқда.

Филиал битирувчиларидан айримлари Хитой Халқ Республикасининг Қишлоқ хўжалиги университети, Россия Федерациясининг Перм давлат агротехнологиялар университети ҳамда Қозғистон давлат аграр тадқиқот университетида грант асосида магистратурада ўқишини давом эттирмоқда.

Филиал профессор-ўқитувчилари орасидан “Ўзбекистон Республикаси ветеринария фидойиси”, “Ўзбекис-



клиникаси ва виварий” илмий лабораторияси қурилиши амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Илм даражасида инновацион лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро грантлар, хусусан, “Зооноз касалликларининг олдини олиш ва экотизимларни тиклаш” мавзусида 1 миллион АҚШ доллари миқдоридagi грантнинг қўлга киритилиши — бу катта ютуқдир.

Моддий-техник база ҳам босқичма-босқич янгиланб борилмоқда. Замона-

вий лабораториялар, ўқув хоналари, талабалар учун қулай шaroитлар яратилмоқда. Тез орада 400 ўринли талабалар турар-жойи фойдаланишга топширилади.

Россия, Беларусь, Қозғистон, Хитой, Покистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркия, Эрон, Польша, Мўғулистон давлатлари олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари билан 30 дан ортиқ ҳамкорлик меморандуми ва шартномалар имзоланди. Бу талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун янги имкониятларни очмоқда.

Талабаларимиз нафақат таълимда, балки илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида ҳам юқори натижалар кўрсатмоқда. Республика олимпиадалари, халқаро танловларда ғолибликка эришиб, Президент ва номдор стипендиялар соҳиблари сафидан жой олмақда.

Ўтган йиллар давомида филиалимизнинг 30 дан ортиқ талабалари республика олимпиадаларида фахрли



кил этилган “Ёшлар ва инновацион қишлоқ хўжалиги” танловида фахрли 1-ўринни эгаллаб, Европада саёҳат йўлланмасини қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси миқё-

минтон бўйича 3-ўрин, “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида 2-ўрин, 2025 йил ноябрь ойида Қорақалпоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасалари ўртасида “Киберхавфсизлик ойлиги” доирасида ўтказилган видеороликлар танловида 3-ўринни эгаллаган бўлса, яна бир талабамиз Фарғонада ўтказилган спортнинг пневматик қуролдан ўқ отиш бўйича Ўзбекистон кубогида 1-ўринни эгаллаб “Спорт устаси” унвонини олишга муваффақ бўлди. Ҳозиргача филиалда талабаларимиз орасидан спортнинг жанг санъати тури бўйича Осиё чемпионлари этишиб чиқди.

Мухтасар айтганда, филиалимиз бугунги кунда замонавий таълим, илм-фан ва инновацияларни уйғунлаштирган илғор таълим масканига айланди. Олдимизда турган асосий мақсад — халқаро стандартлар даражасида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш ва жамият ривожига ўз ҳиссамизни қўшишдан иборат.

Биз бу йўлда барча имкониятларни ишга солиб, янги ютуқларга эришишни давом эттирамиз.

Адилбай ЕСИМБЕТОВ,
биология фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат ветеринария
медицинаси,
чорвачилик ва биотехнология
университети
Нукус филиали директори.

ХОТИРА

Кечагидай ёдимда: март ойи эди, бобом Шайдул қарвон бобо қўлимдан етаклаб, устозимнинг хонадонига олиб борган эди. Машҳур бахши бобомни яхши танир экан: термаю қопиялар билан кутиб олди. Чехраси ёришиб, ичкарига манзират қилди. Сурашиб, аҳволлашиб бўлганларидан сўнг, бобом гапнинг устини очди: “шу неварамнинг чечан бўлгудай чўти бор, барибир қонида бор-да: отасининг тоғаси ўз даврида катта бахши ўтган, син солиб бир қаранг қани”, деб таниқли бахшига юзланди. Мен “жигитча” бўп қолган эдим: ўз уйида кўнглини очиб, тилазакчи гаплардан қочиб гурунг бераётган бу инсоннинг машҳур Шоберди бахши Болтаев эканлигини аллақачон билган эдим.

Шунда Шоберди бахши бир жилмайиб, тўрда осиглиқ дўмбирани олиб, “қани, бир чертинг”, деди. Э оғайнилар, уста одамнинг сусти бўлади, ҳар қандай ўсмир боланинг ҳам бирор каму кўсти бўлади, шундай пайтда лаб чимирмай далда бериб жилмайган устоз урган-чик шогирднинг чин дўсти бўлади! Дўмбирани қўлимга олиб, билганимча черта бошладим. Бобом дорда ўйнаётган дорбозга қарагандай алағда, Шоберди бахши бўлса қўзлари билан далда беради. Дўмбирани шогирдлар таъмилига кўра, одоб билан ёстиқнинг устига қўйдим: кўзи билан далда берса ҳам кўнгли билан ҳар бир ҳаракатимга син солиб ўтирган бахши бу ҳаракатимни маъқуллаб жилмайиб қўйди. Шоберди бахши “сиполик”дан йироқ инсон экан: фикрини очик айтиб қўя қолди. “Қарвон бова, яхши бола тарбия қилсиз, энди уч-тўрт кун бизникида қолади, худо синган бўлса, ном кўтарган бахши бўлади”, деди.

Шу-шу бўлди, мен шогирд тушдим. Бобом қилбага қараб, оёғини тираб дуо берди. Бахшиларда устоз-шогирдликнинг удуми бошқача: бу удумни икки-уч варақ қозғога сиғдириб бўлмайди. Алқисса, журналистлар тили билан айтгандай, мен устоздан бахшичилик сир-асрорларини ўргана бошладим.

Сал вақт ўтиб, Шоберди бахшини Деновнинг собиқ Илғич номи (ҳозирги “Наврўз”) хўжалигида бўладиган “Наврўз” байрамига таклиф қилишди. Наврўз сайлида одамлар сочилиб, ҳар ким ўзи истаган жойда айланиб юради: биров — концертда, яна биров — олишу кўпқарида, яна кимлардир майсаларга ёнбошлаб атрофни томоша қилади. Бир вақт навбат Шоберди бахши Болтаевга берилди. Устоз кўзларини юйиб, дўмбирани бағрига олиб, бир наъма бошлаган эдики, хилс қилдим, ирмоқлардан сувлар бир жилғага йиғилди: ҳар тўбадан одамлар гурас-гурас оқиб келарди! Одамлар га-



ла-гала, села-села тўбалардан тарам-тарам бўлиб бахши бобо томон желя бошлади. Бир куй тугамасдан бахшининг атрофида одамларнинг зич ҳалқаси ҳосил бўлди. Шунда бахши эл билан салоомлашиб, икки-уч оғиз тилак айтиб, бирдан менга юзланди: “хей бачча, менинг қабатимга кел”, деди. Мен бунча одамнинг қаршисига биринчи марта чиқишим эди, ичимда ҳаяжон эмас, масъулиятга ўхшаш бир туйғу бор эди. Аста чиқиб бордим. Бахши менинг елкамга кафтини қўйиб, мухлисларга қараб: “Эй биродарлар, қон-қариндошлар! Шу бачча икки

кун бўлди Бойсунтовнинг белидан ошганига, “Мўнчок”қа бориб менга шогирд тушганига, менам бир қараб билдим бу бачча Шойдил қарвон бованинг уйида дўмбирачи бўлиб пишгани! Еттининг бири ҳизр дейди, еттиники тега-маса бирикми тегади: эй халойиқ, шу баччага бир дуо берайки. Шу саҳнадан орангизга қарадим, ҳизир кўрганлар борлигини сезди журагим, сизлардан бир дуо сўрадим. Қўлларди кўтарайки, шу бачча ўзимдай бахши бўлсин! Овмин!”, деб кафтини ёйиб дуо қилди. Одамлар “овмин” деб қўшилди.

ШОБЕРДИ БАХШИНИ ЭСЛАБ...

Устоз-шогирдлик таъмили шундай: устоз дуо бермаса шогирд дўмбира кўтариб ўртага чиқолмайди. Шоберди бахши тантилиқ қилди, ўзи берган дуоси билан қаноатланмай элдан дуо олиб берди, ўзимдай бахши бўлсин, деди. Бу дуолар, устозимнинг тилақлари менга қанот бўлди. Устозим хонадонидида саккиз йил юриб, ўрганган нарсаларимни ёзсам, катта китоб бўлади. Лекин энг кўп ўрганганим — устознинг ҳислатларидан ўрнат олдим ва билдимки, Шоберди бахшини элга танитган фазилатлар фақат у кишининг беназир санъати эмас, элга манзур гапни топа билиши, ҳар бир инсоннинг ҳурматини жойига қўйиши, элнинг меҳрини қадрлаши эди.

Ҳа-я, у кишининг яна бир фазилати бор эдики, бу ҳақда гапирмай ўтолмайман. Қўмқурган туманида, Боботоннинг этагида жойлашган Бойматов бобо қишлоғига бирга хизмат бордим. Шоберди бахши дostonнинг “ичига кириб” қуйлар, мухлислар берилиб тинлар эди. Дoston шундай жойига келди: Алломиш Қалдирғоч синлиси билан учрашган жойи эди, шунда Қоралочин деган чобабон таканинг овхирисини олиб келиб Қалдирғоч оймнинг ўтовининг устидан ташаб, бир-икки оғиз беҳаё гап гапириб ўтиб кетади. Шунда Қалдирғочойим бу гапни тенасига сиғдирилмай жилаб турган жойи:

Ога десам қўзимдан ёш томади,
Шундай кунда эмчакдошим кемади.
Қандайлар бекнинг синглиси эдим,
Елгончиди журғилигим қолмади...
Жилаганга оллох мадақормикан,
Куйган қулға бу ёлгончи тормикан?
Жер бетида журғилигим қолмади...
Елгончиди эмчакдошим бормикан.

Бир майдон Қалдирғочойимни йиғлатиб, ўзи ҳам йиғлаб, дostonнинг ичига кириб ўзи ҳам қуйлади, тингловчилар ҳам йиғлаб тинглаб сел бўлиб кетди... Шунда бир мухлис: “Эй Шоберди бахши, юраклар сел бўлиб кетди! Энди шу укағар ғанимни бирёқли қилинг”, деб юборди.

Ўзбекистон Халқ бахшиси унвони яралишига ҳам сабабчи устозим эканлигини кўпчи-

лик билмаса керак. Раҳматлик Биринчи Президентимиз Сурхондарёга ташрифлари чоғида устозим сўзга чиқиб бир-икки оғиз бахшиёна терма қуйлагандан кейин, Каримов бобо у кишини бағрига босиб, “юртимизда шунча унвонлар бор, нега бахшиларга унвон йўқ? Бугун шу унвонни таъсис этсак”, деб залга юзланди. Шунда барча ўрнидан туриб олқишлаб қарсақ чалиб юборди. Бу тарихий воқеа менга илҳом берди шунда шундай тўртлик ёздим:

Жанубидан ватанимга эшик бўлган

Сурхоним,

Бахшилари ҳофизига қўшиқ бўлган

Сурхоним.

Буюк унвон бугун сенда туғулди,

Халқ бахшиси унвонига бешик бўлган

Сурхоним.

Устозим умри давомида жуда катта ишларни амалга оширди. Шундай буюк ишлардан катта дарёга кўприк қуриб, қабиристонга йўл солди. Бу кўприкдан ҳали ханузгача элу халқ миннатдор бўлиб ўтиб-қайтмоқда. Бахшичилик санъатида жуда катта ишлар қилди: республикамизда ягона бўлган Термиз бахшичилик мактабининг очилишида ҳам жуда катта ҳиссаси бўлган. Ҳар доим менга биринчи бўлиб халқдан олиб берган дуоси илҳом бағишлайди, ўзимдай бўлсин деб қисқагина дуо берган бўлса-да, бу тилак мен учун жуда қимматли. Ҳаётда устозимга ўхшаш жиҳатларга дуч келганимда, шу дуосини эслайман ва ҳақиқа дуо қиламан: охиратлари обод бўлсин. Устоз минг-минглаб мухлислар ҳамда шогирдлари ва фарзандлари қалбиди мангу яшайди! Сўзимнинг якунида устозимнинг хотирасига бағишлаб айтган термадан бир парчадан ҳукмингизга ҳавола этаман:

Эвасидан айрилиб қув ёғоч ҳам жилади,

Бу айрилиқ ёронлар журағимни тилади,

Бахшичилик санъатининг

бир устуни қулади,

Элим суйган бахшига кетпти, Сурхоним,

Сафнадан бир яхшига кетпти, Сурхоним.

Сафар бахши ШАЙДУЛОВ,
Ўзбекистон халқ бахшиси.



СИЙРАТ

Калд мактудлари

истеъдодли шоир, моҳир журналист Муҳаммад ИСМОИЛ ижодига бир назар

Таниқли шоир Муҳаммад Исмоил ҳақида сўз юритиш истиғи пайдо бўлди. Зеро, унинг шеърятини оддий адабий жараён доирасида баҳолаш камлик қилади — у ўз ўқувчисини руҳий мулоҳазага, ички суҳбатга чорлайдиган, сўз орқали қалбни эшитиш санъатини яратган ижодкор сифатида намоён бўлади.

Шоир ижодидаги энг диққатга сазовор жиҳат — бу самимият ва фалсафий теранликнинг уйғунлигидир. Унинг шеърларида ҳис-туйғу шунчаки баён этилмайди, балки у маъно қатламлари орқали қайта тугилади, ўқувчини ҳамкорликка чорлайди. Шу боис Муҳаммад Исмоилни ўқиш — бу фақат маттни қабул қилиш эмас, балки уни ҳис этиш, яшаш ва қайта кашф этиш жараёнидир.

Ҳар бир истеъдодли шоирнинг ҳаёти — унинг шеърятига кириш учун очиладиган яширин эшикдир. Муҳаммад Исмоил ижодига назар ташлар эканмиз, биз фақат бир ижодкорнинг таржимаи ҳолини эмас, балки қалбдан сўзга, сўздан руҳга айланган узлуksиз маънавий сафарни кўрамиз. У 1964 йил баҳорининг илк нафасларида — табиат уйгонган, ер юзюда яширин кучлар жонланадиган паллада дунёга келгани бежиз эмас. Чунки унинг бутун ижоди ҳам ана шу уйғониш, қалбнинг ўзини англашга бўлган интилиши билан сугорилгандек.

Шоирнинг ҳаёт йўлига назар ташласак, унда икки олам — ижод ва жамият бир-бирига чамбар-час боғланганини кўрамиз. Журналистика таълими, адабий муҳитдаги фаолияти, оммавий аҳборот ва маданий муассасалардаги масъул лавозимлари унинг қаламига нафақат таҳриба, балки инсон руҳиятини чуқур англаш қобилиятини ҳам бахш этди. Шунинг учун унинг шеърларида фақат шахсий туйғулар эмас, балки бутун бир даврнинг руҳи, халқнинг кўнгли, замоннинг овози жонланади.

Донишона тилда айтганда, Муҳаммад Исмоил шеърятини — бу қалбнинг ўз-ўзига ёзган мактубидир. Унда муҳаббат — фақат ҳис эмас, балки борлиқни англаш воситаси; ҳсратат — йўқотиш эмас, балки руҳий камолотга элтувчи йўл; хотира эса ўтмиш сояси эмас, балки бугунни ёритувчи нур сифатида талқин этилади. Шу боис унинг ижодида ҳар бир сатр инсонни ўз ички оламига қайтарувчи, уни ўз-ўзи билан юзлаштирувчи кучга эга.

Унинг меҳнат фаолиятидаги қўл кираллилик — адабиёт, журналистика, телевидение ва нашриёт соҳаларидаги изчил ҳаракати — ижодкор шахсиятининг кенг қаровли эканини кўрсатади. Аммо бу ташқи фаоллик ортида доимо сокин, ўйчан ва изланувчан шоир руҳи ашайди. Ана шу зиддият — ҳаракат ва тафаккур, оммавийлик ва ички хилват ўртасидаги мувозанат — Муҳаммад Исмоил ижодининг энг нозик ва сирли жиҳатларидан биридир.

У Мирзачўлнинг кенг ва сукутли далаларида камолга етди. Бу сахро — ташқи жиҳатдан сокин, аммо ботинан шиддатли макон. Қовун-тарвуз хиди, тупроқнинг илик нафаси, болалиқнинг беғубор югуришлари — буларнинг барчаси кейинчалик шоир қалмида руҳий рамزلарга айланади. Шоирона тилда айтганда, табиат бу ерда фақат манзара эмас, балки инсон қалбининг илҳи устозидир. Муҳаммад Исмоил учун чўл — бўшлиқ эмас, балки маъно билан тўлган сукут маконидир.

Унинг болалигидаги сафарлар — Душанбе, Панжакент, Чоржўй, Самарқанд бозорлари — бу оддий тижорат йўллари эмас, балки дунё билан илҳ мулоқот мактаби эди. Айниқса, онасига юборилган ўша содда телеграмма — “Сизни соғиндим” — унинг бутун ижодига хос бўлган руҳий лейтмотивни белгилаб берган: соғиниш, муҳаббат ва инсонга қайтиш. Чунки ҳақиқий шеърят, аввало, соғинчдан тугилади.

Бироқ Муҳаммад Исмоил ижодининг энг теран қатлами — бу унинг хасталик билан юзма-юз келган паллаларидир. Табиблар ҳукми — қисқа умр ҳақидаги шадфатсиз башорат — уни синдирмади, аксинча, унинг қалбига яшашга бўлган чанқоқлиқни янада кучайтирди. Бу ерда шоир табиятини белгилайдиган асосий бўрилиш ўш беради: у энди ҳаётни оддий мавжудлик эмас, балки ҳар лаҳзаси учун кураш талаб этадиган неъмат сифатида англай бошлайди. Ўзининг ифодаси билан айтганда, у ўлим соясида туриб, ҳаёт нурини кашф этди.

Унинг “мен”и шу тарзда кенгайди: аввал оиладан иборат бўлган олам кейинчалик бутун инсониятга айланди. Атрофдаги одамларнинг дарди унинг дардига, қувончи унинг қувончига айланди. Шу боис унинг шеърларида шахсий изтироб умуминсоний маънога кўтарилади. Бу — катта шоирга хос белгидир.

Ёшлиқдаёқ пахтазорлар, шоликорлар ҳаёти ҳақида ёзилган мақолалар, оддий меҳнаткаш инсонлар билан мулоқот — булар унинг ижодидаги ҳаётий ҳаққонийликнинг манбаидир. У ҳаётни четдан кузатмаган, балки унинг ичиде яшаган ижодкордир. Шунинг учун унинг сўзи ишонарли, унинг туйғуси самимий.

Устоз Ортиқбой Султонов билан учрашув эса унинг тақдиридаги хал қилувчи нукталардан бири бўлди. Агар бу учрашув бўлмаганида, эҳтимол, у ўзини бошқа соҳада излаб қоларди. Аммо истеъдод ўз йўлини топди ва бу йўл уни журналистика орқали катта адабиётга олиб кирди.

Университет таълими унинг тафаккурини янги босқичга кўтарди. Бу ерда у фақат билим эмас, балки фикрлаш, англаш, таҳлил қилиш мадания-

тини ўзлаштирди. Шунинг учун ҳам у журналистикани оддий касб эмас, балки ҳаётни англашнинг асосий ўзани сифатида қабул қилди. Унинг ўзи айтганидек, журналистика уни ҳаётнинг қайноқ нуқталарига олиб кирди — ва айнан шу қайноқлик унинг шеърятига жон бахш этди.

Муҳаммад Исмоил ижоди, аслида, шу ерда намоён бўлади: у ҳаётдан қочмаган, балки унинг энг огир, энг оғриқли, энг гўзал лаҳзаларини қабул қилган. Унинг ижоди — бу яшаш учун курашган қалбнинг қўшигидир. Ва шу боис унинг ҳар бир мисрасида ҳаётнинг юраги уриб туради.

Муҳаммад Исмоил шеърятини — бу қалбнинг очиқ кундалиги. Унда на сохталик бор, на адабий ниқоб. Шоир ҳар бир сатрда ўзини фош қилади: у ҳам изтироб чекади, ҳам ишонади, ҳам курашади. Инсон руҳини оламий ва илоҳий кенгликда талқин этади.

“Илтижо” шеърисида оҳанг — бу оддий дуо эмас, балки ички исёвнинг илоҳий манзилга йўналтирилган шаклидир. Шоир учун ҳуррият — сиёсий тушунча эмас, балки руҳий эҳтиёж: “Исёнлар туғуриб қалбда ёнади...”

Бу мисралардаги исён вайронкор эмас — у покланишга интилади. Муҳаммад Исмоил миллий гурурни баландларвоз шоирлар орқали эмас, балки қалбдаги оғриқ орқали ифода этади. Шунинг учун унинг “ўзбек” образи ҳам идеаллаштирилган эмас, балки илоҳий меҳрга муҳтож, тирик ва азоб чекувчи образдир.

“Мени кучлироқ сев” шеърисида вақт категорияси муҳаббат орқали қайта курилади. Кеча — идеал, бугун — имтиҳон, эрта — хавф. Шоир муҳаббатни сақлаб қолиш учун курашади: “Эртага емасин юрагимни дев...”

Бу ерда “дев” — бу вақт, совуқлик, одат ва беварқилик рамзи. Муҳаммад Исмоил муҳаббатни ҳиссиёт сифатида эмас, балки масъулият сифатида кўради. Бу жиҳат уни аънаваний лирик шоирлардан ажратади.

“Мени кечир” шеъри — Муҳаммад Исмоил феноменининг энг чуқур нуқтаси. Бу ерда шоир икки фронтда мағлуб:

шахсий ҳаётда (рафиқаси олдида), ижодда (ўз идеаллари олдида). “Мени кечир, сени бахтли қилолмадим”. Бу тан олиш — қувсизлик эмас, балки юксак маънавий жасоратдир. У ўзини оқламайди, балки ўзини суд қилади. Шу билан бирга, у шеърга хиёнат қилмайди:

“Аммо ҳеч хиёнат қилмасман шеърга”. Бу мисра Муҳаммад Исмоил дунёсининг марказий ғоясидир: у ҳаётда ютқазисни мумкин, аммо шеърда эмас.

“Драматик ҳазил” шеърисида шоир жамиятдаги сохта қадриятларни юмор орқали фош қилади. У расмий унвонларни инкор этади, лекин уларни инсоний унвонлар билан солиштиради:

“Ўғил”
“Эр йигит”
“кўёв”
“ота”

Бу ерда шоир ижтимоий танқидни оддий халқона тилда, енгил кўпга орқали етказида. Бу услуб ҳам унинг фенонал жиҳатларидан бири.

Шоир учун она — тасалли, рафиқа — имон, муҳаббат — нажот. Айниқса:

“Пешонамни бир силагин, эй, онажон!”
Бу такор — болаликка қайтиш эмас, балки руҳий паноҳ излашдир. Муҳаммад Исмоилда аёл образи ҳеч қачон фақат романтик эмас — у маънавий устунликка эга.

Муҳаммад Исмоил феномени қуйидаги уч устунга таянади:

Самимият — у ўзини яширмайди.
Иймон — у ҳар бир изтиробни Худога боглайди.
Қаршилик — у ички синиқишларга қарамай, руҳан таслим бўлмайди.

Унинг шеърятини — бу безакли адабиёт эмас, балки яшалган ҳаётнинг шеърый шакли. Шу боис у ўқилмайди — у ҳис қилинади.

Муҳаммад Исмоил — бу шоир эмас, ҳолат. Ва бу ҳолат ҳар бир ўқувчининг қалбига ўзича қайта тугилади.

Муҳаммад Исмоил феномени диний шеърларида янада теран очилади. Чунки бу ерда у нафақат шоир, балки толиб (изловчи), ғуноҳкор ва умидвор банди сифатида намоён бўлади. “Қанийди, Куръонни ёдлаган бир банд бўлсайдим” деган нидо — бу шунчаки орзу эмас. Бу инсоннинг ўз камолотига ета олмаганидан келиб чиққан ички изтирибидир.

Бу ерда Куръон — фақат муқаддас матн эмас, балки:

ақл,
қалб,
йўл,
нажот сифатида талқин қилинади.
Куръон, сен ақлим бўл, йўл оч сен,
Куръон, сен қалбим бўл...
Бу мисраларда инсон ўз “мен”идан воз кечиб, илоҳий маънога айланишни истайди. Бу — сўфиёна интилишга яқин ҳолат.
Муҳаммад Исмоил шеърятисида ғуноҳ — фақат айб эмас, балки англаш воситасидир. У ўзини доим танқид қилади:
“Айбим кўл, ўзимга ёқмаган...”
Аммо бу тушқунлик эмас. Бу тавба орқали покланиш жараёни. Унинг шеърларида тавба — кўркүв эмас, балки умид билан тўла:
“Қанча ғуноҳ қилсак, учирасан сен”
Бу ерда Худо — жазоповчи эмас, балки меҳрибон тарбиячи сифатида кўринади.

“Ҳайвон сўзлаган кун...” деган образ орқали шоир замонавий инсоннинг маънавий инқирозини очади.

Бу ерда парадокс бор: ҳайвон инсонга ўхшаб сўзлайди, инсон эса ҳайвонга ўхшаб гапирди.

Бу — ахлоқий инверсия. Шоир шу орқали қиёматни космик ҳодиса эмас, балки маънавий ҳолат сифатида талқин қилади.

Бу қисқа шеърларда Муҳаммад Исмоил катта бир фалсафани жамлайди: Худо билан дўстлашсанг, Ўз-ўзингни қўллайсан.

Бу ерда дин ташқи маросимлардан ички онга кўчади. Яъни: Худо — кўркүв манбаи эмас, балки ички таянчга айланади.

Бу ғоя исломий ирфон аъналасига яқин бўлиб, инсонни “қул” эмас, балки онгли инсон, қалб сифатида кўради.

Муҳаммад Исмоилнинг шеърлари инсон руҳияти, изтироб ва умид, айрилиқ ва маънавий кўтқарилиш каби абадий мавзуларни чуқур фалсафий руҳда ёритади. Унинг шеърый оламида юрак — марказий тимсол бўлиб, у нафақат ҳис-туйғулар манбаи, балки инсоннинг илоҳийликка интилиши ва маънавий изланишларининг ҳам ифодасидир.

Шеърларининг кириш қисмидаёқ “ёнаётган юрак ҳайқириғи” орқали ички изтироб, Худодан нажот излаш ҳолати тасвирланади. Бу ерда инсоннинг икки қарама-қарши олам — илоҳий ва инсоний муҳит орасида сарсон бўлиши кўрсатилади. “Одамнинг одамдан айрилиғи” деган мисра эса нафақат муҳаббатдаги айрилиқ, балки кенг маънода маънавий ёлғизлик, бир-бирини тушунмаслик фожиасини англатади.

“Юрак қўксимизда турган фаришта” деган ташбеҳ жуда таъсирчан. Шоир юракни фариштага қиёслаб, унинг поклиги ва илоҳий моҳиятини очиб беради. Бироқ шу билан бирга, у “бўйсунмай ўзимизга ҳам” дейди — бу инсоннинг ўз ички олами устидан тўлиқ ҳукморн эмаслигини, қалб ва ақл ўртасидаги зиддиятни кўрсатади. Инсон ерда бахт изласа-да, кўзи кўкка қараб туради — бу унинг доимий руҳий изланишда эканини билдиради.

Шеърдаги энг кучли саволлардан бири: “Аммо айтинг, бизни ким қилар халос?” Бу савол нафақат шоирнинг, балки бутун инсониятнинг изтиробли нидосидир. Табиатни баҳор кўтқаради, лекин инсон қалбини ким кўтқаради? Бу ерда шоир жавоб бермайди, балки ўқувчини ўйлашга мажбур қилади.

Айрилиқ мавзуси, айниқса, таъсирли берилган: “Эй, ёр, сен кетдинг-у...” мисраларида шахсий дард умуминсоний фожиа даражасига кўтарилади. Қалбда “қаҳратон ўз уйин қуриб олган” — бу музлаган ҳис-туйғулар, сўнган умид рамзидир. Кўз ёш ҳам “музлаб қолган” — яъни дард шу даражада чуқурки, ҳатто йиғлашга ҳам куч йўқ.

Тўртликларда эса шоир фикрларини янада ихчам, аммо таъсирчан шаклда ифода этади. Бир тўртликда соғинч динамик образлар орқали берилган: “ёйдан узилган камон” ташбеҳи муҳаббат ва интилиш кучини ифодалайди. Кейингисида эса умид фалсафаси илгари сурилади: умидсизлик нафақат инсонни, балки миллатларни ҳам ҳалокатга олиб бориши таъкидланади.

Учинчи тўртликда ижод кўтқарувчи куч сифатида кўрсатилади. “Ижод ичра кўтариб байроқ” — бу инсоннинг маънавий қаршилик қўрсатиш воситаси, ўлим устидан ғалаба рамзидир. Тўртинчи тўртлик эса шуқронлиқ руҳи билан йўрилган: тирикликнинг ўзи мўъжиза сифатида талқин қилинади.

Яна бошқа тўртликда эса оғохлантирувчи, деярли диний-фалсафий оҳанг кучаяди. Жаҳаннам тимсоли орқали ёмонлик ва унинг жазоси ҳақида фикр юритилади. Бу ерда шоир инсонни масъулиятга, иймон ва ишончга қаҳиргандек бўлади.

Умуман олганда, Муҳаммад Исмоил шеърлари чуқур фалсафий мазмун, кучли образлар ва самимий ҳис-туйғулар билан ажралайб туради. У инсон қалбининг энг нозик қатламларига кириб боради, уни изтиробга солади, ўйлашга ва ўзини англашга ундайди. Бу шеърлар нафақат ўқилади, балки ҳис қилинади ва яшалади.

Муҳаммад Исмоилнинг энг кейинги китоби “Бошимдаги тожим — онам” таъкидлаб адиб ижодида алоҳида ўрин тутадиган, чуқур маънавий-фалсафий мазмунга эга асардир. Ушбу китобда она образи нафақат шахсий хотиралар орқали, балки бутун миллат маънавиятини акс эттирувчи улғў тимсол сифатида талқин қилинади.

Асарнинг энг таъсирли жиҳати — унинг ҳаётлиги ва самимийлигидир. Муаллиф онасини идеаллаштиришдан кўра, уни ҳаёт синовларидан ўтган, сабр-тоқат ва матонат тимсоли бўлган инсон сифатида тасвирлайди. Келтирилган лавҳаларда она образи орқали ўзбек аёлининг аънавий фазилатлари — ҳаё, ифбат, одоб, оиллага садоқат ва кечиримлилиқ каби сифатлар ёрқин намоён бўлади.

Асардаги она қиёфаси, айниқса, қуда билан бўлган зиддиятли вазиятда ўзининг юксак маънавий кучини намоён этади. Оддий инсон нуқтаи назаридан қараганда, у ерда ғазаб, нафрат ёки қаршилик устун келиши мумкин эди. Аммо она вазиятни чуқур англаб, нафақат шу лаҳзани, балки келажақни ҳам ўйлайди. Унинг “ёшлар бир кун уришади, бир кун ярашади” деган қараш ҳаётий донолик намунасидир. Шу жиҳатдан қараганда, она образи нафақат меҳр-шафқат, балки страте-

гик фикрлаш, узокни кўра билиш қобилияти билан ҳам ажралаб туради.

Муаллиф бу воқеа орқали муҳим бир ғояни илгари суради: оила мустаҳкамлиги қўп жиҳатдан аёл сабри ва донолигига боглиқ. Она ўз шаънини ерга уриб бўлса-да, бир оилани сақлаб қолади. Бу — кўзга кўринмас, аммо беқиёс қаҳрамонлиқдир. Асарда таъкидланганидек, эркаклар жанггоҳда миллатни ҳимоя қилса, аёллар оила ва аънааларни сақлаш орқали миллат руҳини асрайди.

Шу билан бирга, асар фақатгина мадҳия эмас, балки тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Муаллиф онанинг ҳар бир ҳаракати, ҳатто энг “майда” одоб қоидалари ҳам келажақ авлод учун намуна бўлишини алоҳида ургўлайди. Бу ерда она шахси орқали миллий ўзлиқ, урф-одат ва маънавий мерос узвий равишда боғланади.

Асар тили содда, халқона ва жонли. Айниқса, диалогларда шева элементларининг қўлланилиши воқеаларга янада табиийлик бағишлайди. Бу услуб китобни ўқувчига яқинлаштиради, унинг таъсирчанлигини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, “Бошимдаги тожим — онам” бу — фақат она ҳақидаги асар эмас. У сабр, кечирим, муҳаббат ва маънавий баркамоллик ҳақидаги чуқур фалсафий мулоҳазадир.

Муҳаммад Исмоил она тимсоли орқали бутун инсоният учун умумий бўлган қадриятларни — меҳр-оқибат, бағрикенглик ва инсонпарварлиқни улғўлайди. Асар ўқувчини нафақат ҳиссий жиҳатдан таъсирлантиради, балки уни ҳаёт, оила ва инсон қадрияти ҳақида жиддий ўйлашга чорлайди.

Муҳаммад Исмоил ижоди ҳақида билдирилган фикрлар нафақат бир ижодкорга берилган баҳо, балки замонавий ўзбек адабиётида шоир шахси ва унинг маънавий миссияси қандай тушунилишига ойдинлик киритувчи муҳим адабий ҳужжатлардир. Ушбу мулоҳазаларда турли авлод вакиллари — устоз шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар ва жамоат арбоблари бир нуқтада муштарак: Муҳаммад Исмоил — қалбдан ёзадиган, халқ руҳи билан уйғун ижодкор.

Авалло, Рауф Парфи фикрларига эътибор қаратсак, у Муҳаммад Исмоил шеърятининг энг муҳим жиҳатини — мустакил овозга эгаллигини таъкидлайди. “Ҳеч кимга тақлид қилмайди” деган баҳо ижодкор учун энг юксак эътирофлардан биридир. Шу билан бирга, устознинг “ўз овозига содиқ қола оладими?” деган мулоҳазаси ижод йўлидаги энг катта синовни кўрсатади. Демак, Муҳаммад Исмоил ижоди изланиш ва шаклланиш жараёнидаги тирик, ҳаракатдаги адабий ҳодиса сифатида баҳоланади.

Омон Матжон эса шоирни юрт, замин ва дарё тимсоллари билан боғлайди. Унинг таъкидлашича, Муҳаммад Исмоил Сирдарёдек кенг ва бағрикенг руҳ соҳиб. Бу ерда шоир шахсияти табиат билан уйғунлаштирилади. Бу — миллий адабиётимизга хос поэтик қараш бўлиб, ижодкорни ўз заминидан ажралмас ҳолда тасаввур қилади.

Муҳаммад Али фикрларида эса шоирнинг ижтимоий ва фалсафий миссияси очиб берилади. Унинг “шоир инсон қалбининг жарчиси” деган таърифи Муҳаммад Исмоил ижодида берилган чуқур концептуал баҳоқдир. Бу ерда шоир фақат сўз устаси эмас, балки инсон руҳиятини англовчи ва уни жамиятга етказувчи маънавий таржимон сифатида кўрсатилади.

Аҳмадхон Мелибоев эса Муҳаммад Исмоил ижодининг халқчиллик жиҳатига уруғ беради. У шоир асарларининг ўқувчи қалбига тез етиб боришини, уларнинг ҳаётлигили ва самимийлигини алоҳида таъкидлайди. Айниқса, “Она дуоси” концепцияси орқали шоир ижодининг маънавий манбаи — она меҳри эканини кўрсатади. Бу фикрлар Муҳаммад Исмоил ижодидаги асосий ғоявий устунни — онага муҳаббат ва унинг дуосига таянишни белгилайди.

Минҳожиддин Мирзо ва Фарида Афрўз мулоҳазаларида эса ижодкорнинг инсоний фазилатлари — камтарлик, меҳнатсеварлик ва самимият алоҳида эътироф этилади. Улар Муҳаммад Исмоилни нафақат шоир, балки катта қалб эгаси сифатида кўрсатадилар. Бу жиҳат ижод ва шахс уйғунлигини англатади: унинг асарларидаги самимият унинг табиатидан келиб чиқади.

Маҳмуд Тоир эса шоирлиқни ошиқлик билан боғлаб, Муҳаммад Исмоил ижодининг асосий манбаи — муҳаббат эканини таъкидлайди. Бу муҳаббат нафақат шахсий туйғу, балки Ватан, инсон ва ҳаётга бўлган кенг қаровли муҳаббатдир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири, Халқ артисти Озодбек Назарбеков фикрлари эса шоир шеърларининг амалий кудратини кўрсатади. Унинг шеърлари қўшқача айланиб, халқ орасида оммалашади — бу ижоднинг ҳаёт билан узвий боглиқлигидан далолат. Демак, Муҳаммад Исмоил сўзи фақат китобда эмас, балки халқ оғзида ҳам ашайди.

Нихоят шоирнинг воҳадоши, улғў шоирамиз Ҳалима Худойбердиева фикрлари умумлаштирувчи характерга эга. У шоир ижодида “қалб бутунлиғи” ва “иймон софлиғи”ни кўради. Бу эса Муҳаммад Исмоил ижодининг энг юксак баҳо-сидир: унинг шеърлари нафақат бадий, балки маънавий қийматга ҳам эга.

Улғў инсонлар фикрлари Муҳаммад Исмоилни турли қирралардан ёритади: у — мустакил овозга эга шоир, халқчил ижодкор, муҳаббат куйчиси, маънавият тарғиботчиси ва катта қалб соҳиб. Бу фикрлар бир-бирини тўлдириб, Муҳаммад Исмоил ижодий портретини яхлит ва таъсирчан шаклда намоён қилади.



Муҳаммад Исмоилнинг “Таскимин шу...” шеъри — кечиккан идрок, изтиробли тавба ва шуқрона орқали топилган ички таскин ҳақидаги чуқур лирик-фалсафий асардир. Унда шоир ўз ҳаётининг ортига назар ташлаб, ўтмиш хатолари, йўқотилган имкониятлар ва амалга ошмаган орзулар билан юзма-юз келади. Бу юзлашув эса ўқувчини ҳам ўз қалбига қарашга ундайди.

Шеърнинг бошланишиёқ изтиробли иқрор билан очилади: “Хато қилдим. Унганмас хато”. Бу сатрларда пушаймоннинг оғир юки, вақт ортага қайтмаслигининг аччиқ ҳақиқати мужассам. Аммо бу фақат шахсий афсус эмас — бу инсон табиятига хос умумий ҳолат. Шу жиҳатдан, шеър афсус руҳиятини эслатади: инсон хатолари орқали камолга етади, дард орқали нурга чиқади.

Шоир “бир шеър келди, уни ҳайдадим” дея ижодий илҳомни рад этган лаҳзасини эслайди. Бу — фақат бир асарни йўқотиш эмас, балки тақдир томонидан берилган илоҳий неъматни қўлдан бой беришдир. Энг таъсирли жиҳат шундаки, “ўша шеърни бугун битта қизча ёзмокда” — демак, илҳом йўқолмайди, у фақат ўз муносиб эгасини топади. Бу фикрда ҳам шоирона қараш бор: ижод абадий, у бир қалбдан иккинчисига кўчиб юради.

Муҳаббат мавзуси шеърда алоҳида дард билан берилган. “Севдим, ёндим, севилдим ҳатто, етолмадим васлига аммо” мисралари ишқнинг фақат ҳис эмас, балки ирода ва қатъият талаб қилишини кўрсатади. Шоир кейинчалик англайдики, муҳаббатда фақат туйғу эмас, сабот ҳам зарур. Бу кечиккан англаш эса шеърга фалсафий юк бағишлайди.

Асарда орзулар ва ҳаёт ҳақиқати ўртасидаги зиддият ҳам чуқур очилган. “Орзуларим эди бир дунё” дейди шоир, аммо “рўзгорининг ғор қулбаси” бу орзуларни сўндирган. Бу ерда ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати — тирикчилик ташвишлари инсоннинг ички оламини қисқартириб қўйиши кўрсатади. Лекин шоир бу ҳолатни фақат шикоят билан эмас, англаш билан қабул қилади.

Шеърнинг энг муҳим нуқтаси — хулоса қисми. “Умр бир бор берилар” деган ҳақиқат шоир учун энди оддий гап эмас, балки юракдан ўтган, синовларда тасдиқланган ҳақиқатга айланган. Бу ерда шеър фалсафий даражага кўтарилади.

Бироқ асар тушқунлик билан эмас, шуқрона билан яқунланади. “Берганига ҳам минг бора шукур” — бу сатрлар шоирнинг руҳий камолотга етганини кўрсатади. У орзулар амалга ошмаган бўлса-да, берилган ҳаётнинг ўш учун миннатдор. Шеърнинг камина Фариштабону Маҳмудовага бағишлангани эса унинг маънавий давомийлигини англатади. Устоз Муҳаммад Исмоил мени бир катта адабий даврда “Фариштабону МАҲМУДОВА — ўзбекининг Робия Адавиясидир” деб атаб, лутф қилиб, Робия ал-Адавия тимсолига қиёслайди. Бу — илоҳий муҳаббат, поклик ва руҳий юксаклик мавзуларида

МУКАРРАМА ОТИН КИМ ЭДИ?


Насиба НАРЗУЛЛАЕВА,
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг
“Ўзбекистон тарихи” ихтисослиги таянч докторанти.

урилди. Уйидан кетгани билан муқошишдан
нарига ўтолмаган аёлининг нафаси уни му
қаррар ёлғизлик гирдобидан юлиб олди.

лаб кетишига тараддулланмади. Сап аввал
қўнғилдан ўтган иқоррўлдан энтиқиси ас
носида юрагида илп этган нур уни аллане
қўқ дадиллатириди. Одимлари тезлашиб, зил
напоқларнинг иккитасини бир қилиб, юқориги
кўтарилиди.

Эшиқ қўнғирини ҳар қанча чалмасин, ич
қаридан пешвоз қичқив бўлмади. Бу ноода
тий жимликдан бетоқатланиб тақиллатанди
эшиқ қўнғилланмаган экан, қўл тегиси билан
ичкарига очилди. Аввал дахлизга, ундан ўти
ошонага, сўнг хувуллаб ётган хоналарга бир
бир бош суқди.

Унинг кимсизлигини қўриб, юраги нити
қили барборида алланечу саросимланди
Шалпирган қўли ошонага қайтиб кирганида
дераза рўпарасидаги столга қараб, батта
жаужуби оқди. Мўъжазига дастурдонда ҳа
таанжиди кечки тановул хозирланган, амм

	Боти муҳаррир Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ	Тахририятга келган хатлар доимий этиборимизда. Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.	Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-71 Тел-факс: (71) 244-32-80 Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70	Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz
 Муассис: Ўзбекистон Журналистлар уюшмиси	Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан руйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табақ. Бичими — А-2. <i>Баҳоси келишилган нархда</i>	Адади: 4424 Буюртма — Г-544	 Ўбуна индекси: якка обуначилар ва ташқиқотлар учун — 233	Газета тахририят компьютер марказида терилди ва дизайнёр Эркин Ёдгоров томонидан саҳифаланди. Навбатчи: Йўлдош Маҳмудов, Мусаҳҳих: Зухра Хасанова. “Шарқ” НМАК босмахонасида chop этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.